

*Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,  
дилида - поклик бўлиши шарт.*

*Шавкат МИРЗИЁЕВ*

7/2018

ISSN 2181-8991

# ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

**Муассис:**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**  
*Козимджан КАМИЛОВ*  
*Баходир ДЕХҚАНОВ*  
*Холмўмин ЁДГОРОВ*  
*Бахтиёр ИСАКОВ*  
*Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ*  
*Ибрагим АЛИМОВ*  
*Нематжон АКБАРОВ*  
*Шахноза АХАТОВА*  
*Олим ХАЛМИРЗАЕВ*  
*Омонбой ОҚЮЛОВ*  
*Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ*  
*Азиз МИРЗАЕВ*

© Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Қўлёзмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» — «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этилаётган нашрлар рўйхатига киритилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0026-рақам билан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

**Бош муҳаррир**  
*Камол УБАЙДИЛЛОЕВ*

**Масъул котиб**  
*Муталиф СОДИҚОВ*

*Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бўйича ғолиб деб топилган.*

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**  
100097, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани, Чўпонота  
кўчаси, 6-уй  
Х/р 20210000300101763001  
ХАБ «Трастбанк»  
Тошкент филиали  
МФО 00850, СТИР 201403038

**ТЕЛЕФОН:** 278-96-54, 278-91-96,  
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

**Email:** Os\_odilsudlov@mail.ru  
**Email:** Jurnal@exat.uz

Босишга 2018 йил 13 июлда рухсат этилди. Қоғоз бичими 70X108 1/16. 7,5 босма табоқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма — Нашр адади 6800 нусха.

**ИНДЕКС:**  
*якка тартибдаги обуначилар*  
*учун — 908;*  
*ташкilotлар учун — 909.*

*Босмахона манзили:*  
*Ғафур Ғулом номидаги наشريёт-*  
*матбаа ижодий уйи. 100128, Тошкент*  
*шаҳри, Лабзак кўчаси, 86-уй*

**ҚОНУНЧИЛИК ВА РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Фармони.....3

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги Қарори.....12

**ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Биринчи инстанция суди томонидан фуқаролик процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори.....13

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори.....21

**МУЛОҲАЗА**

**О. Арабов.** Коррупция – тараққиёт кушандаси.....28

**ЖАРАЁН**

**О. Мирсадиқов.** Коррупцияга қарши курашнинг янги босқичи.....30

**ТРАНСМИЛЛИЙ ЖИНОЯТЛАР**

**Т. Турсунов.** Одам савдоси – инсоният эркинлигига таҳдид.....33

**МУНОСАБАТЛАР: ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ**

**К. Тухтаев.** Адолатга бўлган ишонч кафолати.....35

**НИКОҲ ВА ОИЛА**

**Г. Худойбердиева.** Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари.....38

**СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ**

**М. Мамасиддиқов.** Фуқаролик процессуал кодекси: янгиликлар ва кафолатлар.....43

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ**

**И. Ражабов, Ш. Гайбердиев.** Ҳада шартномасининг ҳуқуқий белгилари ва унинг бошқа шартномалардан фарқи.....47

**МАЪМУРИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ ВА ЖАРАЁН**

**С. Рўзиев.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ва уларни юритиш бўйича судья ёрдамчисининг вазифалари.....50

**МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ**

**А. Хасанов.** Иш ҳақи – ходим фаолиятини баҳолашнинг муҳим мезони.....54

**СУД ОЧЕРКИ**

**Н. Раҳмонова.** Эшик ортидаги қотиллик.....56

**О. Халмирзаев, М. Содиқов.** Кўзлардаги мунг.....60

**ТАДБИРКОР ВА ҲУҚУҚ**.....64

**ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТОТЕКА ЮРИСТА**.....118



## ҚОНУНЧИЛИК ВА РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АФВ ЭТИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг афв этишни амалга ошириш бўйича конституциявий ваколатини рўёбга чиқариш механизмларини янада тақомиллаштириш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ПФ–4094-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,  
2018 йил 8 май  
ПФ–5439-сон

\*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 19 (831)-сон. 14.05.2018 й.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 8 майдаги  
ПФ–5439-сон Фармониغا  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга  
ошириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом афв этиш тўғрисидаги илтимосномаларни тақдим этиш, расмийлаштириш ва кўриб чиқиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Афв этиш маҳқумни жазодан тўлиқ ёки қисман озод этадиган ёки суд томонидан тайинланган жазони бошқа енгилроқ жазо билан алмаштирадиган ёхуд судланганликни олиб ташлайдиган инсонпарварлик акти ҳисобланади.

Афв этиш муайян маҳқумга нисбатан индивидуал тартибда амалга оширилади ҳамда уни оқлайдиган ва у томонидан жиноят содир этганлик фактини бартараф қиладиган ҳолат ҳисобланмайди.

Афв этиш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонини қабул қилиш орқали амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз ихтиёрига кўра исталган маҳқумни ёки жазони ўтаб бўлган шахсни афв этиши мумкин.

4. Афв этиш Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилади.

5. Афв этиш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:  
асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазодан тўлиқ ёки қисман озод қилиш;  
жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш;  
умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш;  
судланганликни олиб ташлаш.

**2-боб. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Афв этиш  
масалалари бўйича комиссия фаолиятини ташкил этиш**

6. Афв этиш тўғрисидаги илтимосномаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланган Комиссия томонидан амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизматининг Фуқаролик, афв этиш ва сиёсий бошпана бериш масалалари бўйича шўъбаси (кейинги ўринларда – Шўъба) Комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

8. Комиссиянинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

9. Комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратура-си, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, шунингдек, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ва Хотин-қизлар кўмитаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда «Нуроний» жамғармаси вакиллари киритилади.

Комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, шунингдек, бошқа давлат органлари, нодавлат ноtijорат ташкилотлар вакиллари ҳамда бошқа шахслар ҳам киритилиши мумкин.

10. Комиссия мажлисларини Комиссия раиси ёки унинг топшириғига кўра ўринбосар ўтказди.

11. Комиссия мажлислари афв этиш тўғрисидаги илтимосномалар келиб тушишига қараб ўтказилади.

12. Комиссия мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори, Давлат хавфсизлик хизмати раиси, ички ишлар ва адлия вазирлари, улар бўлмаган тақдирда ўринбосарлари иштирок этиши мумкин.

13. Комиссия афв этиш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш учун ўз мажлисларига давлат органлари, нодавлат ноtijорат ташкилотлар вакиллари ва бошқа шахсларни таклиф этиш ҳуқуқига эга.

14. Комиссия мажлисида баённома юритилади.

### **3-боб. Афв этиш тўғрисидаги илтимосномаларни тақдим этиш тартиби**

15. Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома маҳқум ёки жазони ўтаб бўлган шахс, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан афв этиш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳуқуқи берилган шахс (орган)лар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига ёзма шаклда берилади.

Агар илтимоснома қонун ҳужжатлари билан афв этиш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳуқуқи берилган шахс (орган) томонидан берилган бўлса, маҳқумнинг ёзма розилиги олинishi шарт. Бундай ҳолатда афв этиш тўғрисидаги илтимоснома ушбу Низомнинг 19-бандида кўрсатилган органларга маҳқумнинг розилигини олиш, тегишли материалларни белгиланган тартибда расмийлаштириш учун юборилади. Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома маҳқумнинг ёзма розилиги ва ушбу Низом талабларига мувофиқ расмийлаштирилган бошқа материаллар билан бирга Шўъбага юборилади.

16. Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома суд ҳукми қонуний кучга киргандан

кейин қуйидаги муддатларда берилиши мумкин:

а) умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс томонидан у тайинланган жазонинг йигирма беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин;

б) узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс томонидан у тайинланган жазо муддатининг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг ўн беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин;

в) бошқа жазога ҳукм этилган шахс томонидан ўталган (ижро этилган) жазо муддати (ҳажми)дан қатъи назар, ушбу банднинг «г» кичик бандида кўрсатилган шахслар бундан мустасно;

г) илгари амнистия акти асосида жиной и жавобгарликдан озод этилган, шартли ҳукм қилинган, муддатидан илгари шартли равишда, амнистия акти ва афв этиш асосида жазодан озод қилинган, шунингдек, ўзига нисбатан енгилроқ жазо билан алмаштириш қўлланилган ҳамда яна қасддан жинойят содир этган шахс, худди шунингдек, ўта хавфли рецидивист томонидан у тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, ушбу банднинг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилган шахслар бундан мустасно.

17. Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома Шўъбага:

а) жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти ёки ҳукмни ижро этувчи бошқа орган (кейинги ўринларда – муассаса маъмурияти) оркали;

б) судланганликни олиб ташлаш бўйича афв этиш тўғрисидаги илтимоснома берилган ҳолларда мустақил равишда юборилади.

#### **4-боб. Афв этиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби ва тақдим этиш муддатлари**

18. Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома муассаса маъмурияти томонидан афв этиш тўғрисидаги илтимосномалар ҳисоби юритиладиган махсус журналда илтимоснома берилган кунда рўйхатдан ўтказилади, бу ҳақда маҳкум имзо қўйдирилган ҳолда хабардор этилади.

19. Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс томонидан берилган кундан бошлаб ўн кундан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ёки суд

томонидан жазони ижро этиш зиммасига юкланган бошқа органга юборилади.

Жарима тарикасидаги жазога ҳукм қилинган шахсни афв этиш тўғрисидаги илтимоснома Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан, хизмат бўйича чеклаш ва интизомий қисмга жўнатиш тарикасидаги жазога ҳукм қилинган шахсни афв этиш тўғрисидаги илтимоснома Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ёки жазони ижро этувчи бошқа орган томонидан ушбу Низомда белгиланган тартибда Шўъбага юборилади.

20. Ушбу Низомнинг 16 ва 34-бандлари талабларига мувофиқ берилган афв этиш тўғрисидаги илтимосномани юборишни муассаса маъмурияти томонидан рад этиш мумкин эмас. Муассаса маъмурияти томонидан илтимоснома юборилганлиги ҳақида маҳкум икки кун давомида имзо қўйдирилган ҳолда хабардор этилади.

Ушбу Низомнинг 16 ва 34-бандларида кўрсатилган муддатлар ўтгунга қадар афв этиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилинган ҳолларда муассаса маъмурияти томонидан ушбу илтимоснома кейинчалик кўриб чиқиш учун юборилмаган ҳолда рўйхатдан ўтказилади, маҳкумга эса афв этиш тўғрисидаги илтимосномани бериш тартиби имзо қўйдирилган ҳолда тушунтирилади.

21. Афв этиш тўғрисидаги илтимосномага муассаса маъмурияти томонидан куйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) маҳкумнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг муассаса маъмурияти томонидан тасдиқланган нусхаси;

б) маҳкумнинг биографик маълумотлари, унинг оилавий ҳолати ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, маҳкумнинг олдинги афв этиш тўғрисидаги илтимосномаларини кўриб чиқиш натижалари кўрсатилган сўровнома;

в) маҳкумнинг жазони ўташ давридаги хулқ-атвори, меҳнат ва ўқишга муносабати, содир этилган қилмишга муносабати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган муассаса маъмуриятининг маҳкум ҳақидаги тавсифномаси;

г) маҳкумнинг соғлиғи ҳолати ҳақида маълумотнома;

д) маҳкумнинг жазони ўташига асос бўлган суд ҳукми (ҳукмлари)нинг муассаса маъмурияти томонидан тасдиқланган нусхаси ва юқори турувчи суд инстанцияларининг ушбу суд ҳукми (ҳукмлари) бўйича қарорларининг, шунингдек, маҳкумга нисбатан чиқарилган бошқа суд қарорларининг муассаса маъмурияти томонидан тасдиқланган нусхалари;

е) муассаса маъмуриятининг суд ҳукми қонуний кучга кириши, маҳкумга нисбатан амнистия акти ёки афв этиш қўлланилиши, шунингдек, жиноят оқибатида етказилган зарар маҳкум томонидан қопланиши ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ахбороти.

Афв этиш тўғрисидаги илтимосномага маҳкумнинг илтимосига кўра афв этиш ҳақидаги масалани ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бошқа материаллар илова қилиниши мумкин.

22. Ушбу Низомнинг 19-бандида кўрсатилган органлар афв этиш тўғрисидаги илтимосномани олган кундан бошлаб ўн кун давомида:

афв этиш тўғрисидаги илтимосномани келиб тушган материаллар билан бирга

ўрганади ва ҳар бир маҳкум бўйича мазкур органлар раҳбарларининг ўринбосарлари томонидан тасдиқланадиган умумлаштирилган маълумотнома-жадвал тайёрлайди;

илтимосномани умумлаштирилган маълумотнома-жадвал ва бошқа материаллар билан бирга Шўъбага юборади. Оғир ва ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан илтимоснома, маълумотнома-жадвал, суд қарори ёки унинг қарор қилувчи қисми ҳамда бошқа материалларнинг нусхалари Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Бош прокуратурасига, Жиноят кодексининг 150 – 163, 244<sup>1</sup>, 244<sup>2</sup>, 244<sup>3</sup> ва 246-моддаларида (диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларга доир қисми бўйича) назарда тутилган жиноятлар бўйича илтимоснома, маълумотнома-жадвал, суд қарори ёки унинг қарор қилувчи қисми ҳамда бошқа материалларнинг нусхалари Давлат хавфсизлик хизматига ҳам юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси ва Давлат хавфсизлик хизмати бир ой давомида Шўъбага мазкур органлар раҳбарлари ўринбосарлари томонидан тасдиқланадиган маҳкумни афв этиш мумкинлиги масаласи юзасидан хулоса тақдим этади. Хулосада маҳкумнинг шахси ва содир этилган жиноятнинг ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, маҳкумга нисбатан қабул қилинган суд қарорларининг мазмуни кўрсатилади.

23. Материаллар рўйхат қилинган, ип ўтказиб боғланган ва муҳрланган шаклда Шўъбага юборилади.

24. Ушбу Низомнинг 19-бандида кўрсатилган органлар:

а) маҳкум вафот этганда;

б) маҳкум сақлаш шароити ўзгарганлиги муносабати билан бошқа муассасага ўтказилганда;

в) афв этиш ҳақидаги масалани ҳал қилишга таъсир этиши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар юзага келганда, жумладан маҳкумга нисбатан жазодан озод қилишнинг бошқа турлари қўлланилганда, Шўъбани дарҳол хабардор қилиши шарт.

### **5-боб. Шўъбанинг афв этиш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш учун материалларни тайёрлаш бўйича ваколатлари**

25. Шўъба ҳужжат айланишини ва ҳисоботни юритиш, дастлабки материаллар ва тегишли хулосаларни тўплаш, маълумотнома-жадвал ва баённомалар лойиҳаларини, шунингдек, Комиссия мажлисларини ўтказиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни тайёрлашни ўз ичига олган Комиссия ишини ташкил этади.

26. Тегишли материаллар билан бирга афв этиш тўғрисида келиб тушган ҳар бир илтимоснома Шўъба томонидан ушбу Низом талабларига риоя қилинганлиги юзасидан ўрганилади.

Шўъба ўрганиш натижалари бўйича афв этиш тўғрисидаги илтимоснома келиб тушган кундан бошлаб ўн кун давомида:

илтимосномани белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун қабул қилади;

агар ҳужжатларни беришда ёки расмийлаштиришда ушбу Низом талаблари бузи-



лишига йўл қўйилган бўлса, илтимосномани кўриб чиқиш учун қабул қилишни рад этади ва илтимосномани у келган органга ёхуд уни юборган шахсга қайтаради. Бунда афв этиш тўғрисидаги илтимоснома аниқланган камчиликлар бартараф этилгандан кейин, у қайтарилган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан такроран тақдим этилиши мумкин.

Ҳукмнинг асоссизлигига ёки қонунийлик бузилганлигига доир текширилиши зарур бўлган маълумотлар келтирилган афв этиш тўғрисидаги илтимосномалар Шўъба томонидан текшириш учун тегишли органларга юборилади.

27. Шўъба, зарурат бўлганда, тегишли органлар ва ташкилотларга қуйидагиларни олиш учун сўровлар юборишга ҳақли:

маҳкумнинг содир этилган жиноятга, меҳнатга, ўқишга нисбатан муносабатини, унинг хулқ-атворини, соғлиғи ҳолатини, шунингдек, жиноят оқибатида етказилган зарар қопланганлигини акс эттирувчи ахборотни;

маҳкумга нисбатан амнистия акти ёки афв этиш қўлланилганлиги, шартли ҳукм қилинганлиги, ҳукм ижроси кечиктирилганлиги, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинганлиги, жазонинг ўталмаган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилганлиги, касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод этилганлиги, муқаддам судланганлиги, судланганлиги олиб ташланганлиги ва тугалланганлиги ҳақидаги маълумотларни;

афв этиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни.

Тегишли органлар ва ташкилотлар сўров келиб тушган кундан бошлаб ўн кун давомида сўралган ахборотни ва маълумотларни тақдим этади.

28. Шўъба тўпланган материалларни ўрганиш яқунлари бўйича умумлаштирилган маълумотнома-жадвал тузади. Унда қуйидагилар акс эттирилади:

а) маҳкумнинг биографик маълумотлари, оилавий аҳволи, соғлиғи ҳолати ва унинг шахсини тавсифловчи бошқа маълумотлар;

б) маҳкумнинг муқаддам судланганлиги, унга нисбатан амнистия акти ва афв этиш қўлланилганлиги, шартли ҳукм қилинганлиги, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинганлиги, ҳукм ижроси кечиктирилганлиги, жазонинг ўталмаган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилганлиги, касаллиги сабабли жазони ўташдан озод қилинганлиги, судланганлиги олиб ташланганлиги ва тугалланганлиги ҳақидаги маълумотлар;

в) ҳукм чиқарган суд номи ва ҳукм чиқарилган сана, суд ҳукми қонуний кучга кириши ҳақидаги маълумотлар, маҳкумга нисбатан ҳукмнинг хулоса қисми мазмуни (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг маҳкум ҳукм қилинган моддалари, тайинланган жазо тури, муддати ёки ҳажми, ундирилиши лозим бўлган зарар суммаси);

г) маҳкум жазони ўтаётган жой, жазони ижро этиш муассасаларида унинг белгиланган режимга риоя қилиши, жиноят оқибатида етказилган зарарнинг қопланганлиги, жазо муддати (ҳажми)нинг ўталган ва ўталмаган қисмлари, шунингдек, афв этиш тўғрисидаги олдинги илтимосномаларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги маълумотлар;

д) Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси ва Давлат хавфсизлик хизматининг маҳкумларни афв этиш мумкинлиги ҳақидаги хулосалари;

е) афв этиш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа материаллар.

29. Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома ва тайёрланган тегишли материаллар Шўъба томонидан Комиссия мажлисида кўриб чиқиш учун киритилади.

#### **6-боб. Афв этиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш**

30. Афв этиш тўғрисидаги илтимосномани Комиссия томонидан кўриб чиқиш муддати илтимоснома келиб тушган кундан бошлаб уч ойдан ошмаслиги лозим.

31. Афв этиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда Комиссия томонидан қуйидагилар эътиборга олинади:

а) содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси;

б) жазони ўташ ёки ижро этиш вақтида маҳкумнинг хулқ-атвори (тузалиши);

в) ўталган (ижро этилган) жазо муддати (ҳажми);

г) маҳкумга нисбатан муқаддам амнистия акти, афв этиш қўлланилганлиги ёки жазодан муддатидан илгари шартли озод этилганлиги, жазонинг енгилроқ жазо билан алмаштирилганлиги;

д) жиноят оқибатида етказилган зарарнинг қопланганлиги;

е) маҳкумнинг шахси, соғлиғи ҳолати, судланганлиги, оилавий аҳволи ва ёши;

ж) Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси ва Давлат хавфсизлик хизматининг хулосалари;

з) Комиссия илтимосномани кўриб чиқиш учун муҳим деб ҳисоблаган бошқа ҳолатлар.

32. Афв этиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда қўшимча текширилиши зарур бўлган масалалар келиб чиққан ҳолларда, Комиссия илтимосномани кўриб чиқишдан олиб ташлаш, илтимоснома кўриб чиқиладиган муддат давомида, жумладан жойига чиққан ҳамда манфаатдор органлар ва ташкилотлар вакилларини жалб қилган ҳолда тегишли органларга ўрганиш ўтказиш ҳақида топшириқ бериш ёки ўрганишни мустақил ташкил этишга ҳақли. Ўрганиш якуни бўйича Комиссияга ўрганилган масала юзасидан хулоса киритилади.

33. Комиссия мажлиси унда Комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

Комиссия афв этиш тўғрисидаги илтимосномани дастлабки тарзда кўриб чиқиш натижалари бўйича оддий кўпчилик овоз билан баённома қарорини қабул қилади.

Овозлар тенг бўлиб қолганда, Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома ижобий кўриб чиқилганда, Комиссия Ўзбекистон Республикаси Президентига таклиф киритади.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома рад этилганда, Шўъба бу ҳақда бир кун даво-

мида илтимоснома берган шахсни хабардор қилиш учун илтимоснома келиб тушган органга ёки илтимосномани мустақил равишда юборган шахсга хабар беради.

Муассаса маъмурияти афв этиш тўғрисидаги илтимоснома рад этилганлиги ҳақидаги маълумотни олгандан сўнг кейинги кундан кечиктирмасдан илтимоснома берган маҳкумни имзо қўйдирган ҳолда хабардор қилади.

34. Оғир ва ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинган шахсларни афв этиш тўғрисидаги такрорий мурожаатга олдинги илтимоснома рад этилган кундан бошлаб бир йил ўтгандан сўнг, бошқа жиноятлар учун ҳукм қилинган шахсларни афв этиш тўғрисидаги такрорий мурожаатга эса олдинги илтимоснома рад этилган кундан бошлаб олти ой ўтгандан кейин йўл қўйилади, жиддий аҳамиятга эга бўлган янги ҳолатлар юзага келган ҳоллар бундан мустасно.

### **7-боб. Афв этиш тўғрисидаги қарорнинг ижроси**

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг афв этиш тўғрисидаги фармони ижро қилиш учун:

жарима жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига;

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахсларга, шунингдек, судланганлиги олиб ташланган шахсларга нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ёки суд томонидан жазони ижро этиш зиммасига юкланган бошқа органга;

хизмат бўйича чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахсларга нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига ёки жазони ижро этувчи бошқа органларга юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг афв этиш тўғрисидаги фармони маълумот учун ва ижроси устидан назоратни амалга ошириш учун тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Бош прокуратурасига юборилади.

36. Ушбу Низомнинг 19-бандида кўрсатилган органлар Комиссияга Ўзбекистон Республикаси Президентининг афв этиш масалалари бўйича фармонлари ижроси ҳақида уларнинг ижро этилишига қараб ахборот беради.

37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг афв этиш тўғрисидаги фармони ижросини назорат қилиш Шўъба томонидан амалга оширилади.

### **8-боб. Яқунловчи қоида**

38. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавоб берадилар.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг*  
*ҚАРОРИ*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ**  
**ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР**  
**КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасининг 3-бандига ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар:


Давлат Хакимович **Бобоноров** ўн йил муддатга  
Зафаржон Хасанович **Файзиев** ўн йил муддатга  
Ирода Абдукаримовна **Болтаходжаева** ўн йил муддатга  
Нодиржон Турсунболтаевич **Ражабов** ўн йил муддатга  
Фируз Толибович **Турсунов** ўн йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига сайлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлиси Сенатининг Раиси**

**Н. ЙЎЛДОШЕВ**

*Тошкент шаҳри,*  
*2018 йил 29 июнь*



## ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг  
ҚАРОРИ*

### **БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИ ТОМОНИДАН ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУН НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

*2018 йил 19 май*

*14-сонли*

*Тошкент шаҳри*

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси янги тахрирда қабул қилинганлиги, суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан ҳамда биринчи инстанция суди томонидан қонун нормалари бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

#### **Қ А Р О Р   Қ И Л А Д И:**

1. Судларнинг эътибори фуқаролик ишларини кўришда фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари нормаларига қатъий риоя этиш зарурлигига, уларга риоя қилмаслик эса, тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ҳуқуқлари бузилишига олиб келишига қаратилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) 3-моддасига мувофиқ ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаролик ишлари бўйича судга (бундан буён матнда суд деб юритилади) мурожаат қилишга ҳақли.

3. Аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисидаги, аризани қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш ҳақидаги масала судья томонидан у судга келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай тегишли ажрим чиқариш йўли билан ҳал этилиши лозим (ФПК 192-моддаси).

Судларнинг эътибори ажрим чиқармасдан туриб аризани қабул қилишни рад

этиш ёки қайтаришга йўл қўйилмаслигига қаратилсин. Мазкур талаб қарши даъвога ҳам тегишли бўлиб, у ФПК 199-моддасига мувофиқ умумий қоидаларга биноан (судловга тегишлилик бундан мустасно) тақдим этилади.

Судья фақат ФПК 194, 195-моддаларида назарда тутилган асослар бўйича аризани қабул қилишни рад этишга ёки қайтаришга ҳақли бўлиб, бунда қонунда назарда тутилган асослар рўйхати тугал эканлиги инобатга олинishi лозим.

Арз қилинган талаблар исботланмаганлиги, даъво муддати ўтганлиги ва қонунда назарда тутилмаган бошқа асослар бўйича аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатишни рад этишга йўл қўйилмайди.

4. Аризани қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш ҳақидаги ажрим нусхаси у чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмасдан аризага илова қилинган ҳужжатлар билан бирга аризага юборилади.

Аризани қайтариш ҳақидаги суд ажрими устидан апелляция ёки кассация тартибида хусусий шикоят (протест) берилиши мумкин бўлиб, ажрим бекор қилинган тақдирда, ариза судга дастлаб мурожаат қилинган кунда берилган ҳисобланади.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, қарши даъвони у ФПК 200-моддасида назарда тутилган талабларга жавоб бермаслиги сабабли қабул қилишни рад қилиш ҳақидаги ажрим устидан, бу ҳолат судга мустақил даъво тақдим этилишига тўсқинлик қилмаслиги туфайли, шикоят берилмайди.

5. Шунинг назарда тутиш лозимки, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш фуқаролик процессининг муҳим босқичи бўлиб, бу ишнинг ўз вақтида, ҳар томонлама, холисона кўриб чиқилиши ва ҳал қилинишини таъминлайди.

Ишни суд муҳокамасига ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш судга қуйидаги имкониятларни беради:

тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларини ва ишни кўришда амал қилиниши лозим бўлган қонунни аниқлаш;

тарафларнинг талаб ва эътирозларини асословчи, шунингдек низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа фактларни аниқлаш;

ишни ҳал қилиш учун лозим бўлган далиллар доирасини аниқлаш ва уларнинг ўз вақтида суд мажлисига тақдим этилишини таъминлаш;

ишда иштирок этиши мумкин бўлган шахслар таркиби тўғрисидаги масалани ҳал қилиш;

тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан зарур бўлган далиллар тақдим этилишини таъминлаш;

тарафларни яраштиришга эришиш.

Судья ФПК 204-моддасида назарда тутилган барча зарур ҳаракатларни бажариш чораларини кўриши шарт.

Шунинг назарда тутиш лозимки, ишни суд муҳокамасига тайёрлашга қаратилган ҳаракатлар, башарти бундай зарурат кечроқ келиб чиқса, тегишли ажрим қабул қилинганидан сўнг ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги, шунингдек уни тайёрлаш би-

лан боғлиқ равишда чиқарилган ажримлар ишнинг кейинги ҳаракатига таъсир қилмайди ва улар устидан шикоят (протест) берилмайди, далилларни таъминлашни рад этиш ва даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажримлар бундан мустасно.

6. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш учун ФПК 202-моддасида белгиланган ўн кунлик муддат алоҳида ҳолларда ўта мураккаб ишлар бўйича (масалан, мулк ҳуқуқи вужудга келиши ёки тугаши (шу жумладан, битимлар, ворислик, давлат мулкани хусусийлаштириш), ер участкасига эгалик қилиш ва фойдаланиш билан боғлиқ низолар бўйича, шунингдек экспертиза ўтказиш, суд топшириғи юбориш, ишни кўраётган суд фаолият кўрсатаётган ҳудуддан ташқарида бўлган фуқаролар ёки ташкилотлардан материаллар олиш талаб этиладиган ишлар бўйича суднинг асослантилган ажрими билан йигирма кунгача узайтирилиши мумкин.

Алимент ундириш, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етказилганлиги, шунингдек боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича ишни суд муҳокамасига тайёрлаш муддати узайтирилишига йўл қўйилмайди.

7. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ФПК 207-моддасида назарда тутилган фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилишнинг умумий ва қисқартирилган муддатлари ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тугаган кундан ҳал қилув қарори қабул қилинган ёки аризани кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш, ишни бошқа судга ўтказиш тўғрисида ажрим чиқарилган кун қўшилган ҳолда ҳисобланади.

Даъвогар томонидан битта аризада ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган ва улардан биттаси учун қонунда кўриш ва ҳал қилишнинг қисқартирилган, бошқалари учун эса, умумий муддати белгиланган бўлса, иш умумий муддатда кўрилиши ва ҳал қилиниши лозим.

Битта иш юритишга бирлаштирилган ишларни кўриш ва ҳал қилиш муддати кейин қўзғатилган иш бўйича белгиланади. Талабларнинг бир қисми алоҳида иш юритишга ажратилганда, ажратилган талаб бўйича ишни кўриш ва ҳал қилиш муддати талабни ажратиш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Иш юритиш тўхтатилганидан у тиклангунга қадар бўлган вақт ишни кўриш муддатига қўшилмайди.

Хусусий шикоятни (протестни) кўришга кетган вақт ишни кўриш муддатига қўшилмайди.

8. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, суд топшириғини бажариш қонунда белгиланган барча талабларга риоя этилган ҳолда суд мажлисида амалга оширилиши лозим (ФПК 104-моддаси). Бунда ишда иштирок этувчи шахслар ФПК 40-моддасига биноан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш ҳуқуқига эга бўлиб, уларнинг илтимосномасига асосан ёзма тушунтиришлар суд мажлиси баённомасига қўшиб қўйилиши мумкин. Тарафлар ва учинчи шахслар номидан ту-

шунтиришларни уларнинг вакиллари беришлари мумкин. Гувоҳлар била туриб ёлгон кўрсатувлар берганлик учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилиши шарт.

Суд топшириғини бажариш пайтида тузилган суд мажлиси баённомасида иш бўйича аҳамиятга эга ҳолатлар ва қўйилган саволларга тўлиқ жавоблар акс эттирилиши лозим.

9. Далилларни таъминлаш ҳақида ариза кўрилатганда шуни назарда тутиш лозимки, ФПК 76 ва 77-моддаларига мувофиқ у қуйидаги тарзда:

иш қўзғатилгандан олдин ҳам, кейин ҳам;

нафақат ишни кўраётган судга, балки далилларни таъминлаш бўйича процессуал ҳаракатлар амалга оширилиши лозим бўлган жойда фаолият юритаётган судга ҳам берилиши мумкин.

Далилларни таъминлаш ҳақидаги аризани кўришда суд ФПК 77-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган барча ҳолатларни аниқлаши шарт.

Далилларни таъминлаш тартибида тўпланган материаллар тегишлилиги бўйича ишни кўриб чиқаётган судга юборилади ёки аризага берилади.

10. Шуни назарда тутиш лозимки, шахснинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган суд қарорини амалда ижро қилиш ФПК 106-моддасида назарда тутилган даъвони таъминлаш чоралари ўз вақтида ва тўғри танланганлигига боғлиқ.

Шунга кўра, ариза қабул қилиниб, иш қўзғатилгандан сўнг судья низонинг хусусиятига қараб, манфаатдор шахсдан бундай ариза келиб тушган-тушмаганлигидан қатъи назар, даъвони таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриш масаласини ҳал қилиши шарт.

Даъвони таъминлаш чораларини кўраётган судья аризагининг ихтиёри билан боғлиқ эмас ва даъвони таъминлаш бўйича чоралар арз қилинган талабларга муносиб бўлишини таъминлаши шарт.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, давлат фойдасига мулкӣ ундирувлар билан боғлиқ ишларни кўришда даъвони таъминлаш чораларини кўриш шарт.

11. ФПК 156-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ишда иштирок этувчи шахслар ва суд процессининг бошқа иштирокчилари суднинг айрим процессуал ҳаракатлари, шунингдек ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида суд чақирув қоғозлари, зарур ҳолларда эса, буюртма хатлар, телефонограммалар, телеграммалар ва хабардор қилинганлик факти қайд этилишини таъминлайдиган бошқа алоқа воситалари орқали хабардор қилинадилар. Ишда иштирок этувчи шахс томонидан электрон почта манзили кўрсатилган бўлса, хабар электрон ҳужжат кўринишда амалга оширилади.

12. ФПК 213-моддасига кўра, суд мажлисида ҳозир бўлган процесс иштирокчилари шахси суд томонидан уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар (паспорт, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, хизмат гувоҳномаси ва бошқа ҳужжат) асосида аниқланади.



Давлат бошқаруви органлари ва ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек мансабдор шахсларига нисбатан бундан ташқари, уларнинг ваколат доираси текширилиши лозим.

Муомала лаёқати чекланганнинг васийси ёки муомалага лаёқатсиз шахснинг хомийси томонидан қўзғатилган иш бўйича фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш ёки уни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори мавжудлиги текширилиши лозим.

ФПК 67-моддаси иккинчи қисмининг 7-бандида кўрсатилган шахсларни суд мажлисида иштирок этиш масаласини ҳал қилишда шуни назарда тутиш лозимки, қонунга асосан судда профессионал фаолият билан вакил сифатида фақат адвокатлар шуғулланиши мумкин.

13. Суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида ўтказилганда, шунингдек суд мажлисида аудио- ёки видеоёзув амалга оширилганда, суд бу ҳақда ишда иштирок этувчи шахсларни огоҳлантиради ва ФПК 208-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ суд мажлисида аудио- ёки видеоёзув тарафлар розилиги билан амалга оширилиши мумкинлигини тушунтиради.

Суд мажлисини оммавий ахборот воситалари орқали трансляция қилишга ишда иштирок этувчи шахслар розилиги ва раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилади. Бу ҳаракатлар суд мажлиси залида фақат раислик қилувчи томонидан кўрсатилган жойдан туриб амалга оширилиши лозим ва вақт бўйича чеғараланиши мумкин.

14. Аризани кўрмасдан қолдириш оқибатлари мазкур ҳуқуқий институтни қўллаш асосларига боғлиқ бўлганлиги сабабли, суд ФПК 123-моддаси талабларидан келиб чиқиб, ўз ажримида манфаатдор шахсларга аризани кўрмасдан қолдириш оқибатларини ва бунга асос бўлган сабабларни бартараф этиш йўллари тушунтириши шарт.

Аризани ФПК 122-моддасининг 5, 6 ва 7-бандларида назарда тутилган асослар бўйича кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги суд ажрими устидан хусусий шикоят (протест) берилиши мумкин.

15. ФПК 72-моддаси талабларига кўра, ишни кўриб чиқишда ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт. Бунда иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар, шунингдек улар тарафлардан қайси бири томонидан исботланиши лозимлигини белгилаш қонун билан суднинг зиммасига юклатилган.

Арз қилинган талаблар ва эътирозлар хусусиятини инобатга олган ҳолда зарур исботлаш воситалари доирасини белгилаш чоғида, суд тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга қўшимча далиллар тақдим этишни таклиф қилиши мумкин. Қўшимча далиллар тақдим этиш тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар учун қийинчилик туғдирган ҳолларда, суд уларнинг илтимосномасига кўра далилларни йиғишда кўмаклашади.

Тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан тақдим этилган,

алоқадорлик (ФПК 73-моддаси) ва мақбуллик (ФПК 74-моддаси) талабларига жавоб берадиган ҳар бир далил суд муҳокамаси давомида текширилиши лозим.

Аноним хатларда ва келиб чиқиши номаълум бўлган бошқа маълумотлар, шунингдек қонунга зид равишда ёзиб олинган телефон сўзлашувлари далил ҳисобланмайди ва ФПК 71, 74-моддаларига асосан суд уларни кўриш учун қабул қилмаслиги лозим.

16. Судларга тушунтирилсинки, жавобгар томонидан даъво талаблари қисман тан олинган ва у суд томонидан қабул қилинганда, далиллар фақат даъвонинг жавобгар томонидан тан олинмаган қисми бўйича текширилади. Бундай ҳолда ҳал қилув қарори ишни мазмунан кўриш натижалари бўйича барча арз қилинган талаблар юзасидан қабул қилинади.

Жавобгар арз қилинган талабларни тўлиқ тан олганда ва суд уни қабул қилганда, арз қилинган талабларни қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори тақдим этилган далиллар текширилмаган ҳолда қабул қилинади. Бундай ҳолда жавобгар даъвони тан олганлигини қабул қилиш тўғрисида суд томонидан алоҳида ажрим чиқарилмайди.

Бир тараф ўз талаб ва эътирозларига асос сифатида келтирган факт иккинчи тараф томонидан тан олинганлиги суд мажлиси баённомасига киритилиб, фактни тан олган тараф томонидан имзоланиши лозим.

Агар суд лозим деб топса, суд мажлиси баённомасига киритилган тушунтиришлар, кўрсатувлар, шунингдек баёнотлар ва хулосалар тегишли тарафлар, гувоҳлар, мутахассислар ва экспертлар томонидан имзоланиши мумкин.

17. Текширилаётган далиллар ишончлилигига шубҳа туғилганда, суд уларни мазмуни ва расмийлаштирилиши тўғрилигини текшириш, зарур ҳолларда эса мутахассис жалб этиш ёки тегишли экспертиза тайинлаш йўли билан ҳал этиши лозим.

Суд мутахассисни далилларни текширишда маслаҳат ва тушунтириш олиш ёки бевосита техник ёрдам кўрсатиш (фотосуратга олиш, план ва схемаларни тузиш, экспертиза учун намуна олиш ва ҳоказо) учун жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Эксперт хулосаси талаб этиладиган саволлар доираси ишда иштирок этувчи шахслар фикрини инобатга олган ҳолда белгиланади. Шунинг назарда тутиш лозимки, ҳал этилиши суднинг ваколатига тегишли бўлган масалалар (масалан, уйни мулк ҳуқуқидаги улушини инобатга олган ҳолда бўлиш имконияти тўғрисида эмас, балки уйнинг бир қисмига нисбатан мулк ҳуқуқи борлиги ёки фуқаронинг касаллиги хусусияти тўғрисида эмас, балки муомалага лаёқатлилиги масаласини) экспертиза олдига қўйилиши мумкин эмас.

Эксперт хулосасини ўрганишда суд унинг экспертиза ҳал этиши учун қўйилган саволларга мувофиқлиги, шунингдек унда мавжуд хулосалар тўлиқ ва асосланганлигини текшириши лозим бўлиб, саволлар туғилганда, суд экспертни тушунтириш бериш ёки хулосани тўлдириш мақсадида сўроқ қилиш учун чақиришга ҳақли.

18. Ишда иштирок этувчи шахслар томонидан янги далилларни талаб қилиб олиш, иш муҳокамасини кейинга қолдириш тўғрисидаги ва иш билан боғлиқ

бошқа масалалар бўйича илтимосномалар бевосита улар арз қилинганидан сўнг суд процесси бошқа иштирокчиларининг фикри инобатга олинган ҳолда, ажрим чиқариш йўли билан ҳал қилинади.

19. Иш муҳокамаси кейинга қолдирилганда, суд кейинги суд мажлиси вақтини шу давр мобайнида амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатларни инобатга олган ҳолда тайинлаши лозим.

Кейинга қолдирилган ишни кўриш қолган жойидан давом эттирилади, ФПК 39-моддасида санаб ўтилган янги шахсларни ишга жалб қилиш ҳоллари бундан мустасно бўлиб, бундай ҳолда иш муҳокамаси бошидан бошланади.

20. ФПК 118-моддасида белгиланган иш юритишни тўхтатиб туриш муддатлари муайян ҳолатлар билан боғлиқ бўлиб, бундай ҳолатлар вужудга келиши суд зиммасига уни тиклаш мажбуриятини юклаши сабабли, суд мазкур ҳолатлар вужудга келган-келмаганлигини вақти-вақти билан текшириб туриши лозим.

Иш юритиш тўхтатиб турилган ҳолларда, суд ишда иштирок этувчи шахсларга иш юритишни тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар барҳам топганлиги ҳақида судни хабардор қилиш зарурлигини тушунтириши лозим.

Шуни назарда тутиш лозимки, иш юритиш тиклангунга қадар суд бирор-бир процессуал ҳаракатни амалга оширишга ҳақли эмас, даъвони ва далилларни таъминлашга қаратилган ҳаракатлар бундан мустасно.

21. ФПК 144-моддасига мувофиқ мажбурий келтириш процессуал мажбурият чораси сифатида, фақат шахс суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган, унинг суд муҳокамасида иштироки қонунга кўра шарт бўлган ёки суд томонидан шарт деб топилган ҳолларда қўлланилишига йўл қўйилади. Мажбурий келтириш ҳақидаги суд ажрими ижроси унда кўрсатилган ички ишлар органига юклатилади. Мажбурий келтириш билан боғлиқ харажатларни ундириш масаласи суд томонидан ажрим чиқарилган пайтда ёки ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинаётган пайтда ҳал қилиниши мумкин.

22. Тушунтирилсинки, судга ҳурматсизлик кўрсатганлиги учун шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида ФПК 150-моддаси тартибда чиқарилган суд қарори устидан ФПК IV бўлимида белгиланган тартибда хусусий шикоят (протест) келтирилиши мумкин (Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 315-моддасининг биринчи қисми, 317-моддасининг учинчи қисми).

23. Судларга тушунтирилсинки, ФПК 165-моддасида назарда тутилган талаблар бўйича жавобгарни (қарздорни) қидириш ишни суд муҳокамасига тайёрлаш жараёнида ҳам, суд муҳокамаси давомида ҳам эълон қилиниши мумкин.

Қидирув иши бўйича қилинган харажатларни ундириш масаласи суд томонидан ФПК 251-моддасига мувофиқ ҳал қилув қарори қабул қилинаётганда ҳал этилади.

24. ФПК 254-моддасига мувофиқ даъвогарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа

ҳолларда, суд даъвогар томонидан билдирилган талаблар доирасидан четга чиқиши мумкин.

25. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, иш фақат ФПК 280-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган барча ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, сиртдан иш юритиш тартибида кўрилиши мумкин.

Суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига такроран келмаганда, суд ишни, даъвогарнинг фикридан қатъи назар, сиртдан иш юритиш тартибида кўради.

Агар жавобгар суд мажлисида ҳозир бўлиб, бироқ у тугагунга қадар суд мажлиси залини ўзбошимчалик билан тарк этса ёки иш бўйича эълон қилинган танаффусдан сўнг узрсиз сабабларга кўра суд мажлисига келмаса, суд иш муҳокамасини давом эттириши мумкин. Бундай суд мажлисида қабул қилинган ҳал қилув қарори сиртдан қабул қилинган ҳисобланмайди.

Сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорини бекор қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят (протест) берилмайди, чунки бундай ҳолда сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори устидан ФПК 43-бобида назарда тутилган тартибда шикоят (протест) берилиши мумкин.

26. Суд мажлиси баённомаси мазмуни ва уни тузиш тартибини белгиловчи ФПК 277, 278-моддалари талабларига қатъий риоя қилиниши, ўз вақтида баённома юзасидан эътироз билдириш ва суд ҳужжатлари устидан шикоят берилишини таъминлашнинг муҳим шарт ҳисобланади.

27. Мазкур қарор қабул қилиниши, шунингдек қонунчиликка ўзгартиришлар киритилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги «Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 19-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги 14-сонли, 2010 йил 14 майдаги 5-сонли, 2015 йил 13 ноябрдаги 18-сонли ва 2016 йил 29 июлдаги 13-сонли қарорлари билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**

**Олий суди раиси**

**К. КАМИЛОВ**

**Пленум котиби,  
Олий суд судьяси**

**И. АЛИМОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг  
ҚАРОРИ*

**МАЪМУРИЙ ИШЛАРНИ КЎРИШДА БИРИНЧИ  
ИНСТАНЦИЯ СУДИ ТОМОНИДАН ПРОЦЕССУАЛ  
ҚОНУН НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ  
АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ  
ТЎҒРИСИДА**

*2018 йил 19 май*

*15-сонли*

*Тошкент шаҳри*

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси қабул қилинганлиги, суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан, шунингдек қонун нормаларининг бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

**Қ А Р О Р   Қ И Л А Д И :**

1. Судларнинг эътибори маъмурий суд ишларини юритиш бўйича процессуал қонун нормаларида белгиланган тартибга қатъий риоя этиш, ишларни кўриб чиқиш сифатини яхшилаш, ҳар бир иш бўйича қонуний ва асослантирилган қарор қабул қилиш зарурлигига қаратилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МСИЮТК деб юритилади) 40-моддасига мувофиқ маъмурий суд ишларини юритишда тарафлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

аризачилар – ўзларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида талаб тақдим этаётган ёки манфаатларини кўзлаб талаб тақдим этилган фуқаролар ва юридик шахслар;

жавобгарлар – муайян талаб қаратилган маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари.

Маъмурий органлар деганда, давлат бошқаруви органлари, шунингдек маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар тушунилади (МСИЮТК 27-моддаси биринчи қисмининг 2-банди).

3. Маъмурий судга маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан ке-

либ чиқадиган низолар бўйича ишлар, жумладан қуйидаги ишлар тааллуқли:

маъмурий органларнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

маъмурий органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

маъмурий органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад этилганлиги юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

нотариуснинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш рад этилганлиги юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишлар.

Маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқса-да, қонунда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судга, иқтисодий ва ҳарбий судга тааллуқлилиги белгиланган низолар бўйича ишлар маъмурий судга тааллуқли эмас.

Агар ариза маъмурий орган бўлмаган корхона, ташкилот, муассаса ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш ёки унинг мансабдор шахси ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) ғайриқонуний деб топиш тўғрисида берилган ёхуд ариза (шикоят) маъмурий органга нисбатан берилган бўлиб, аммо устидан шикоят берилмаётган ҳаракат меҳнат муносабатларидан келиб чиққан бўлса, бундай талаблар маъмурий суд судловига тааллуқли эмас.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозим (МСИЮтК 26-моддасининг тўртинчи қисми).

4. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, давлат органлари ва улар

мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ қабул қиладиган қарорлари ёки амалга оширадиган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар маъмурий судга тааллуқли эмас. Бундай ариза (шикоят) тақдим этилган ҳолда, судья МСИЮтК 133-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ уни қабул қилишни рад этади. Агар ариза (шикоят) иш юритишга қабул қилинган бўлса, МСИЮтК 108-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан иш юритиш тугатилади.

5. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, МСИЮтК 36-моддасига кўра, судда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш лаёқатига фақат юридик шахслар эгадирлар. Шу сабабли, агар юридик шахс ишончномаси мавжуд бўлмаса, суд юридик шахс алоҳида бўлинмаси (филиали, ваколатхонаси) аризасини (шикоятини) қабул қилишга ҳақли эмас. Бундай ариза (шикоят) МСИЮтК 134-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мувофиқ қайтарилиши, агар у иш юритишга қабул қилинган бўлса, мазкур Кодекс 105-моддасининг 2-бандига мувофиқ кўрмасдан қолдирилиши керак.

Маъмурий орган ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашишда, жавобгар сифатида аризада (шикоятда) ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган тегишли юридик шахс ва мансабдор шахсининг ўзи кўрсатилади.

6. Суд идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишни ҳал этишда уни давлат рўйхатидан ўтказган орган – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигини жавобгар сифатида жалб қилиши лозим.

7. Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга ёхуд иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмайди.

Бундай ҳолларда ариза (шикоят) МСИЮтК 134-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига мувофиқ қайтарилиши, агар иш юритишга қабул қилинган бўлса, талабнинг маъмурий судга тегишли бўлмаган қисми бўйича иш юритиш тугатилиши лозим (МСИЮтК 108-моддасининг 1-банди).

8. МСИЮтК 128-моддаси биринчи қисмининг мазмунига кўра, юридик шахс номидан ариза (шикоят) унинг раҳбари ёки вакили томонидан имзоланиши керак. Бунда имзо механик ёки бошқа нусха кўчириш воситалари орқали амалга оширилишига йўл қўйилмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Якка тартибда бошқариладиган ижро органи раҳбари вазифасини бажарувчи шахс аризани (шикоятни) имзолашга ҳақли, бироқ бунда аризага (шикоятга) унинг мақомини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган бўлиши лозим.

Агар ташкилот ҳайъат томонидан бошқарилса, шахсда аризани (шикоятни)

имзолаш ваколати борлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши керак.

Тугатилаётган ташкилот номидан ариза (шикоят) тугатиш комиссияси раиси томонидан имзоланади.

9. Аризачи битта аризада (шикоятда) ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга ҳақли. Агар талаблар ўзаро боғлиқ бўлмаса, суд МСИЮтК 134-моддаси биринчи қисмининг 7-бандига кўра, аризани (шикоятни) қайтариш тўғрисида ажрим чиқаради. Агар ариза (шикоят) иш юритишга қабул қилинган бўлса, суд МСИЮтК 138-моддасига мувофиқ ушбу талабларни алоҳида ажратиш йўли билан кўради.

10. Судлар шуни назарда тутишлари керакки, МСИЮтК 134-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган аризани (шикоятни) қайтариш асослари рўйхати кенгайтирилган тарзда талқин этилишига йўл қўйилмайди.

Агар ариза (шикоят) иш юритишга қабул қилинганидан кейин уни МСИЮтК 134-моддаси биринчи қисмининг 3 ва 4-бандлари бўйича қайтариш учун асослар мавжудлиги аниқланса, суд тегишинча аризани (шикоятни) кўрмасдан қолдиради (МСИЮтК 105-моддасининг 2-банди), ишни бошқа маъмурий судга ўтказиш тўғрисида ажрим чиқаради (МСИЮтК 34-моддаси иккинчи қисмининг 1-банди).

11. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари палата аъзоси манфаатларини кўзлаб берган аризага (шикоятга) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлик фаолияти субъекти ўртасида тузилган аъзолик тўғрисидаги шартнома илова қилиниши лозим. Мазкур талабга риоя қилинмаганда, ариза (шикоят) МСИЮтК 134-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига асосан қайтарилади, бу ҳолат ариза (шикоят) иш юритишга қабул қилингандан кейин аниқланса, ариза (шикоят) кўрмасдан қолдирилади (МСИЮтК 105-моддасининг 2-банди).

12. Судларга тушунтирилсинки, процессуал қонунда ишни маъмурий суд томонидан фуқаролик ишлари бўйича судга ёки иқтисодий судга ўтказишни назарда тутувчи норма мавжуд эмас. Шу сабабли, агар низо маъмурий судга тааллуқли бўлмаса, аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилиш рад қилиниши, агар у иш юритишга қабул қилинган бўлса, иш юритиш тугатилиши лозим.

13. Аризани (шикоятни) қабул қилишни рад этиш асослари МСИЮтК 133-моддасида назарда тутилган ва кенгайтирилган тарзда талқин қилиниши мумкин эмас. Агар аризани (шикоятни) қабул қилишни рад этиш асослари ариза (шикоят) иш юритишга қабул қилингандан кейин аниқланса, иш юритиш МСИЮтК 108-моддасига асосан тугатилади.

14. Судлар шуни назарда тутишлари керакки, маъмурий иш қўзғатилгунга қадар суд далилларни таъминлаш чораларини кўришга (МСИЮтК 89-моддаси),



суд топшириклари беришга (МСИЮтК 90-моддаси) ва дастлабки ҳимоя чораларини қўллашга (МСИЮтК 94-моддаси) ҳақли эмас.

Аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш масаласи судья томонидан якка тартибда ҳал этилади.

15. Шуни назарда тутиш лозимки, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш унинг ўз вақтида, ҳар томонлама ва тўғри кўриб чиқилишини ва ҳал қилинишини таъминловчи муҳим босқич ҳисобланади.

Ишни суд муҳокамасига ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш судга қуйидаги имкониятларни беради:

тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларини ва ишни ҳал этишда қўлланилиши лозим бўлган қонунни аниқлаш;

тарафларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи фактларни ҳамда низо-ни тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга эга бошқа фактларни аниқлаш;

суд муҳокамасига ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш мақсадида, ишни ҳал этиш учун зарур далиллар доирасини аниқлаш;

тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан зарур далиллар тақдим этилишини таъминлаш;

ишда иштирок этиши эҳтимол бўлган шахслар таркиби масаласини ҳал этиш; дастлабки ҳимоя ва далилларни таъминлаш чораларини қўллаш масаласини ҳал этиш.

МСИЮтК 140-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ ишни суд муҳокамасига тайёрлаш ҳаракатлари рўйхати тугал бўлмай, судья ишнинг тўғри ва ўз вақтида ҳал этилишини таъминлашга қаратилган бошқа ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида чиқарилган ажрим ва уни кўришга тайёрлаш билан боғлиқ бошқа ажримлар ишнинг кейинги ҳаракатига тўсқинлик қилмайди ва унинг устидан шикоят берилмайди.

16. Суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши ҳақида ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги суд ажримида кўрсатилиши лозим бўлиб, у ишда иштирок этувчи шахслар ҳамда бундай мажлисни ўтказишга кўмаклашувчи судга юборилади.

17. Суд ишда иштирок этувчи шахсларни суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида МСИЮтК 124-моддасида назарда тутилган тартибда хабардор қилади.

Суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар судга келмаганда, бунинг сабаблари ва ишнинг хусусиятларини инобатга олиб, ишни унинг иштирокисиз кўриш имконияти тўғрисидаги масала ҳар бир ҳолда муҳокама қилиниши лозим.

18. МСИЮтК 93-моддасида кўрсатилган дастлабки ҳимоя чоралари, агар уларни қўлламаслик аризачининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини қийинлаштиради ёки бунга имкон бермас, иш юритишнинг ҳар қандай босқичида қабул қилиниши мумкин.

Суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра, аризани рад этиш ҳақидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қадар ҳам МСИЮтК 98-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган тартибга риоя этган ҳолда дастлабки ҳимоя чораларини бекор қилишга ҳақли.

19. Аризачи МСИЮтК 136-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ариза (шикоят) асосини ёки предметини ўзгартириш ҳуқуқидан биринчи инстанция судида ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар фойдаланиши мумкин. Бу норма иш бошқа инстанцияларда кўриляётганда қўлланилмайди.

Ариза (шикоят) предмети ўзгартирилиши аризачининг жавобгарга нисбатан моддий-ҳуқуқий талаблари ўзгартирилганлигини билдиради.

Аризанинг (шикоятнинг) асоси ва предмети бир вақтда ўзгартирилишига йўл қўйилмайди (МСИЮтК 136-моддасининг учинчи қисми).

20. МСИЮтК 58-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ судда юридик шахсларнинг ишларини қонун ҳужжатлари ёки таъсис ҳужжатларида берилган ваколатлар доирасида уларнинг органлари олиб боради.

Юридик шахсларнинг вакиллари судда уларга берилган ишончномада кўрсатилган ваколатлар доирасида иш олиб боради. Вакилга берилган ишончномада унинг МСИЮтК 62-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ваколатлари махсус кўрсатилган бўлиши керак. Агар вакилга берилган ишончномада бундай ваколатлар кўрсатилмаган бўлса, вакил ушбу қонун нормасида назарда тутилган процессуал ҳаракатлардан бошқа процессуал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли.

21. Адвокатлик тузилмаси (бюроси, фирмаси) томонидан берилган ордер адвокатга ҳуқуқий ёрдам сўраб мурожаат қилган шахс манфаатларида фақат МСИЮтК 62-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини беради. Адвокатнинг мазкур модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш ваколати унга ваколат берувчи берган ишончномада кўрсатилган бўлиши лозим.

22. Судларга тушунтирилсинки, иш юритишни тугатиш институти низо мазмуни юзасидан ҳал қилув қарори чиқармасдан туриб иш кўришни тамомлаш шаклларида бири ҳисобланади. МСИЮтК 108-моддасида назарда тутилган иш юритишни тугатиш асослари рўйхати тугал ҳисобланади ва кенгайтирилган тарзда талқин қилиниши мумкин эмас.

23. МСИЮтК 105-моддасида назарда тутилган ҳолатлар аниқланганда,

суд аризани (шикоятни) кўрмасдан қолдиради ва бу ҳақда ажрим чиқаради. МСИЮтК 106-моддасига мувофиқ чиқарилган ажримда ишни кўриш учун тўсқинлик қилаётган ва аризани кўрмасдан қолдириш учун асос бўлган ҳолатларни бартараф этиш йўллари тушунтирилиши лозим.

24. Агар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилинган аризачи суд мажлисига келмаса ва ишни унинг иштирокисиз кўришга розилик берган бўлмаса, бундай ҳолда ариза (шикоят) МСИЮтК 105-моддасининг 3-бандига мувофиқ кўрмасдан қолдирилади.

Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, агар аризачи биринчи суд мажлисида иштирок этиб, суднинг кейинги мажлисларида иштирок этмаса, ушбу асослар бўйича аризани (шикоятни) кўрмасдан қолдириш мумкин эмас.

25. Судларга тушунтирилсинки, МСИЮтК 20-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган қоидалар аризани (шикоятни) кўрмасдан қолдириш ва аризани (шикоятни) қайтариш тўғрисидаги ажримлар бекор қилинган ҳолларга татбиқ этилмайди.

26. Судларга аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида, суд ҳужжати эълон қилингандан кейин унинг мазмунини ва суд ҳужжати қабул қилинишига сабаб бўлган асосларни тушунтириб бериш тавсия этилсин.

27. Ишларни кўришда судлар маъмурий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида низолар келиб чиқишига имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлашга эътибор қаратиши лозим.

Ишларни кўришда давлат ёки бошқа орган, юридик шахс, мансабдор шахс ёки фуқаронинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилиши аниқланган ҳолларда, улар ишда иштирок этишидан қатъи назар, суд хусусий ажрим чиқаришга ҳақли. Уларнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари аниқланганда эса, суд бу ҳақда жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда прокурорга хабар беради.

Хусусий ажрим суд мажлисида эълон қилинади ва баённомада акс этирилади.

**Ўзбекистон Республикаси**

**Олий суди раиси**

**К. КАМИЛОВ**

**Пленум котиби,  
Олий суд судьяси**

**И. АЛИМОВ**



## КОРРУПЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунни тезроқ амалиётга жорий этиш лозимлигини таъкидлаган эди.

Бинобарин, «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун 2017 йил январда кучга кирди.

Мазкур Қонунда баён этилганидек, коррупция шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик эса, коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмишдир.

Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари қонунийлик, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, очиклик ва шаффофлик, тизимлилик, давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлигидир.

Ҳозирги кунда жамиятда коррупцияга қарши кураш муаммоси ўта долзарбдир. Бу бир неча омиллар билан белгиланади.

*Биринчидан*, давлатнинг мансабдор шахслари томонидан ўз мавқеини суиистеъмол қилиш ҳоллари ҳокимият обрўсига, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш жараёнларига путур етказди.

*Иккинчидан*, иқтисодий мазмуни ресурсларни тақсимлаш жараёнининг деформациялашишидан иборат бўлган коррупция иқтисодиёт ривожига жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Коррупцияга қарши курашиш мураккаб жараён, чунки у нафақат яширин тарзда, балки жинойт тил бириктириб содир этилади. Коррупция, одатда, шикоят берилишига сабаб бўлмайди, чунки айбдор тарафлар қонунга хилоф битимдан наф кўрадилар. Ҳатто, товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш устидан ҳам шикоят камдан-кам ҳолларда берилади.

Коррупция фуқаронинг давлат вакили билан маъмурий муносабатлари маъно-моҳиятини ўзгартиради ва жамият учун ҳам, давлат учун ҳам салбий оқибатларга сабаб бўлади. Зотан, коррупция давлат органлари ходимларининг моддий ёки мулкӣ йўсинда ғайриқонунӣ шахсий наф кўриш мақсадида ўз мавқеидан фойдаланишида ифодаланадиган ижтимоӣ ҳодиса ҳисобланади.

Давлат хизматчилари коррупция фаолиятининг субъектлари ҳисобланади, чунки коррупция муносабатлари юзага келишига сабаб бўладиган қарорлар қабул қилиш ёки ҳаракатлар содир этиш учун ҳокимият ваколатига фақат улар эга бўлади.

Коррупциянинг барча турларига барҳам бериш учун жинойт қонунчилигининг мувофиқлигини, шу жумладан жинойт-ҳуқуқӣ ва процесуал нормаларни тегишли равишда қайта кўриб чиқиш, коррупция ҳамда ҳокимият ваколатини суиистеъмом қилишнинг олдини олиш учун маъмурий механизмлар ва тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқиш, коррупция домига илинган мансабдор шахсларни аниқлаш, тергов қилиш ва ҳукм этишнинг махсус таомилларини белгилаш, коррупция натижасида қўлга киритилган маблағлар ва мол-мулкни мусодара қилиш учун ҳуқуқӣ қоидаларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Коррупцияга қарши кураш мақсадларига фақат жинойт-ҳуқуқӣ воситалар билан эришиб бўлмаслиги тарихдан маълум. Бу борада барча соҳаларда кенг қўламли ислоҳотларни амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқӣ онгини ва дунёқарашини ўзгартириш орқали ижобӣ натижаларга эришиш мумкин.

Умуман олганда, коррупция шунчаки жинойт ёки ҳуқуқбузарлик эмас, балки маънавий бузилиш ҳолати ҳамдир. Мазкур иллатга қарши курашда давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билангина қутилган натижага эришиш мумкин.

**О. АРАБОВ,**  
Олий суд судьяси

# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Коррупция деярли дунёнинг барча давлатлари учун катта муаммо туғдираётган ҳуқуқбузарлик тури, умуминсоний халқаро даражада тарқалган иллатдир.

«Коррупция» атамасининг маъноси хусусида турли фикрлар мавжуд. Кенг оммалашган фикр тарафдорларига кўра, «коррупция» лотинча «corruptio» сўзидан келиб чиққан бўлиб «пора эвазига оғдириш», деган маънони англатади. Айрим адабиётларда «коррупция» лотинча «corruptio» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «бузилиш, айниш, таназзул», бошқа адабиётларда эса лотинча «corruptum» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «синган, бузилган» каби маънони билдириши ва шахсий ҳаёт ҳамда корпоратив фойда йўлида жамоат манфаатларига путур етказишни англатиши қайд этилган.

Коррупцияга қарши кураш халқаро миқёсга кўтарилиб, жаҳон сиёсатининг муҳим масалаларидан бирига айланди. Бинобарин, ушбу иллат нафақат ислохотлар йўлига жиддий тўсиқ бўлиши, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам бевосита таҳдид туғдириши барчага маълум.

Бугунги кунда коррупцияга мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жиноят сифатида қаралади. Коррупция фаолияти хуфёна иқтисодиётнинг асосий турларидан бири ҳисобланади. Аксарият ҳолларда коррупция деганда, давлат амалдорлари томонидан шахсий манфаатларни кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида фуқаролардан пора олиш, қонунга хилоф пул даромадларини кўлга киритиш тушунилади.

Мамлакатимизда мазкур муаммога қарши кураш масаласига мустақилликнинг дастлабки кунлариданок жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Ўтган давр мобайнида коррупция ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда унинг олдини олишга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база ва тизимли амалиёт шаклланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

хомийлигида қабул қилинган ЭКОСОС (БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий кенгаши)нинг Коррупцияга қарши кураш резолюцияси, Давлат мансабдор шахсларининг халқаро ахлоқ кодекси, Халқаро тижорат ташкилотларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш ҳақидаги декларация, Миллатлараро уюшган жиноятчиликка қарши кураш конвенцияси ва бошқа халқаро ҳужжатларнинг қабул қилингани мазкур иллатга қарши курашда муҳим омил вазифасини ўтамоқда.

Бу борадаги асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжат БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Коррупцияга қарши конвенция (2003 йил 31 октябрь)дир. Мазкур Конвенция коррупция жиноятининг тавсифини тўлиқ очиб, унга қарши кураш чораларини белгилаб беради.

Конвенцияга мувофиқ иштирокчи давлатларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш мақсадида доимий махсус Конференция таъсис этилган, БМТнинг наркотик ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси унинг котибияти этиб белгиланган.

Барча мамлакатлар коррупция иллатини таг-томири билан кўпориб ташлашда халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлик қилаётган бўлса-да, унга қарши кураш ҳар бир давлатнинг ўзида самарали олиб борилиши катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон бу борада муҳим қадамларни ташлаган. Хусусан, 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепциясида коррупция мамлакатнинг миллий хавфсизлигига таҳдидлардан бири, дея эътироф этилди. Мамлакатимиз 2008 йил 7 июлда БМТнинг юқорида кўрсатиб ўтилган Конвенциясига қўшилди.

Ўзбекистон 2010 йил март ойида Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши курашнинг Истанбул режасига (2003 йил 10 сентябрь) ҳам қўшилган. Шунингдек, Олий Мажлис томонидан Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи тўғрисидаги битим (Москва, 2011 йил 16 июнь) 2011 йил 13 декабрда ратификация қилинган.

Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

Бироқ, коррупцияга қарши кураш ҳамон бугунги куннинг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда.

Амалда коррупция мамлакатда ислохотларни самарали амалга ошириш, олдимизга қўйилган мақсадлар йўлидаги жиддий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Коррупция халқнинг давлат ва унинг органларига бўлган ишончига путур етказди, жамиятнинг ахлоқий асосларини емиради, ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг вужудга келиши ва чуқурлашишига сабаб бўлади.

Маълумки, Конституциямизнинг 2-моддасига кўра, давлат халқ ирода-сини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Коррупция эса мазкур конституциявий қоидага мутлақо зиддир. Шундай экан, давлат ва унинг органлари коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга қарши барча имкониятини ишга солиши керак.

Шу боис, 2017 йил 3 январда қабул қилинган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуннинг ижросини самарали таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида 2017 йил 2 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

2017–2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси таркиби тасдиқланди.

Давлат дастури 51 банддан иборат чора-тадбирларни қамраб олган. Унда коррупцияга бевосита ёки билвосита қарши қаратилган, унинг тизимли сабаблари ва шароитларининг олдини олишга йўналтирилган 10 та қонун, бир қатор қонуности ҳужжатлари, чора-тадбирлар режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, тарғибот тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган нуфузли таркибда шакллантирилган. Комиссия таркибига парламент аъзолари, бир қатор вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, олимлар, фуқаролик жамиятининг аъзолари киритилган.

Хулоса қилиб айтганда, бундай кенг кўламли амалий чора-тадбирлар «мамлакатимизда коррупциянинг келажаги йўқ», деган башоратни қилишга асосдир.

**О. МИРСАДИКОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Ўзбекистон туман суди раиси



# ОДАМ САВДОСИ – ИНСОНИЯТ ЭРКИНЛИГИГА ТАҲДИД

Бутун дунё миқёсида одам савдоси муаммоси тобора долзарб бўлиб бормоқда. Инсонларни сотиш билан боғлиқ ҳолатлар ҳар куни учрайди. Бинобарин, одам савдосига қарши мунтазам самарали кураш олиб борилмас экан, бу иллат янада кучайиб бораверади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунида баён этилганидек, одам савдоси куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилишдир.

Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади.

Халқаро экспертларнинг маълумотларига қараганда, бу жиноят туфайли дунё бўйича 7 миллиард АҚШ доллари миқдорида пул ноқонуний айланади. Одам савдоси даромад келтириш бўйича наркобизнес ва курол-яроғ савдосидан кейин учинчи ўринни эгаллаши ҳам бу турдаги жиноятчиликнинг қай даражада чуқур илдиз отганлигидан далолатдир. Дунё ҳамжамияти олдидаги глобал муаммолардан бири ҳисобланган жиноятнинг бу тури Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда одам савдоси жиноятларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилди, бу иллатга барҳам беришнинг норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Давлатимиз одамларнинг нолегал трафикига қарши курашиш ва унинг қурбонларини ҳимоя қилишга қаратилган асосий халқаро ҳужжатларга қўшилди<sup>1</sup>.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушлиқдан фойдаланишга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенцияси, Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги баённома

шулар жумласидандир.

Шунингдек, мамлакатимизда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 8 июлдаги ПҚ–911-сонли Қарорига мувофиқ Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси фаолият кўрсатмоқда.

Афсуски, озгина мол-дунёга берилиб, ўз юртдошларини, маҳалладошларини алдаб, сотиб юбораётган инсонлар орамизда ҳамон бор.

Хусусан, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судлари томонидан 2017 йил давомида одам савдоси билан боғлиқ 43 та жиноят иши кўрилиб, айбдорлар жазога тортилган.

Бу жиноятни нафақат моддий жиҳатдан қийналган шахслар, балки муайян даражада жамиятда ўз ўрни ва мақомига эга бўлганлар ҳам содир этмоқда. Суд ишларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу жиноятни содир этган шахсларнинг 2 нафари шифокор, 3 нафари бошқа соҳа вакиллари, 95 нафари эса ишсизлардир.

Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг 2017 йил 5 октябрдаги ҳукми билан 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган Ш. Қодирова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Қашқадарё вилоятидаги туғуруқхоналардан бирида раҳбар лавозимида ишлаб келган. Ушбу муассасада О. Эркинова ўғил туққан ва оилавий шароити оғир бўлганлиги сабабли, чақалоқнинг бувиси туғуруқхона раҳбарига учрашиб, унга чақалоқни боқа олмаслигини, шароити оғирлигини тушунтириб, агар бирор бир бефарзанд оила бўлса, чақалоқни тегишли тартибда расмийлаштириб беришини сўраган. Ш. Қодирова унинг илтимосига рози бўлган. Туғуруқхонада ҳамшира вазифасида ишлаган Э. Ашурова чақалоқнинг бувиси билан учрашиб, ундан чақалоқни олиб, Тошкент шаҳрига келтирган ва Ж. Шокирова ҳамда С. Атҳамовага 1 200 АҚШ долларига сотган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан ушланган.

Суд ҳукми билан Э. Ашурова ҳам айбдор деб топилиб, унга ҳам озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 11 декабрдаги ажрими билан туман судининг ҳукми ўзгартирилди ва Ш. Қодировага нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси шартли деб ҳисобланиб, у суд залидан озод қилинди.

**Т. ТУРСУНОВ,**  
**жиноят ишлари бўйича**  
**Тошкент шаҳар суди судьяси**

<sup>1</sup>Т. Ҳайдаров. Одам савдоси – давр муаммоси. 19.03.2015. <http://jizzax/adliya.uz>.

## *АДОЛАТГА БЎЛГАН ИШОНЧ КАФОЛАТИ*

Аввало, шуни эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 28 декабрдаги Фармони фуқаролар ҳамда давлат ўртасидаги муносабатларда очикликни, шаффоқликни таъминлашда янги саҳифа очди.

Хусусан, Фармонда белгиланган вазифалар доирасида 2017 йил 11 сентябрда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг мақсади давлат органлари ва муассасаларига, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Қонуннинг амал қилиши давлат иштирокидаги ташкилотларга ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳам татбиқ этилади.

Қонуннинг амал қилиши кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, иктисодий процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга, давлат органларининг, шунингдек улар таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Қонунда мурожаатларнинг янги шакллари белгиланиши баробарида уларни кўриб чиқиш тартиблари ҳам аниқлаштирилди. Жумладан, «ариза», «таклиф», «шикоят», «аноним мурожаат», «видеоконференцалоқа», «давлат иштирокидаги ташкилот», «муурожаатнинг дубликати», «оммавий қабул», «такрорий мурожаат», «электрон мурожаат» каби муҳим тушунчалар ҳуқуқий жиҳатдан тавсифлаб берилди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ваколатига эга субъектлар доираси кенгайтирилиб, давлат органлари ҳамда муассасаларидан ташқари давлат иштирокидаги ташкилотлар, яъни устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилоти ёхуд тўлиқ ёки қисман давлат органи томонидан ташкил қилинган ёки таъсис этилган ноижорат ташкилоти ҳам киритилди.

Қонунга мувофиқ жисмоний шахснинг мурожаатида жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак. Юридик шахсларнинг мурожаатида юри-

дик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши лозим.

Жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатида давлат органининг, ташкилотнинг аниқ номи, мурожаат юборилаётган мансабдор шахснинг лавозими ва (ёки) фамилияси (исми, отасининг исми) кўрсатилган, шунингдек мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак. Мурожаатларда мурожаат этувчиларнинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва факслари рақамлари кўрсатилиши, мурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин.

Қонунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан мурожаатларнинг самарали кўриб чиқилишини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тузилиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари юридик шахс мақомига эга бўлмайди. Унинг тизимини қуйидагилар ташкил этади: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қароқалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг туманлар ва шаҳарлардаги (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари) Халқ қабулхоналари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси келиб тушаётган мурожаатларни ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида қабул қилиш, тўплаш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек уларнинг тўлиқ, ўз вақтида ҳамда сифатли кўриб чиқилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга ошириш имконини берувчи ахборот тизими ҳисобланади.

Қонуннинг яна бир ўзига хослиги шундаки, унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналарининг ҳамда Виртуал қабулхонасининг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда иш тартиби аниқ қилиб қўйилди. Бундан ташқари, мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби, муддатлари ҳам батафсил баён этилди. Шу билан бирга, Қонундан мурожаатларнинг кўриб чиқилишини мониторинг ҳамда назорат қилиш, ҳар чоракда мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлилдан ўтказиш, натижаларини давлат органларининг веб-сайтларида эълон қилиш бўйича нормалар ўрин олди. Мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, шунингдек тухмат ва ҳақоратдан иборат мурожаат берганлик жавобгарликка сабаб бўлиши аниқ белгилаб қўйилди.

Жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг шахсий қабулини ўтказувчи давлат органларининг, ташкилотларнинг раҳбарлари ёки бошқа мансабдор шахслари ҳар қандай, шу жумладан, ўз ваколатларига кирмайди-

ган масалалар бўйича ҳам мурожаат қилинганда, қабулни рад этишга ҳақли эмаслиги Қонунда мустаҳкамланди. Жисмоний шахсларни ҳамда юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш тартиби такомиллаштирилди. Хусусан, сайёр шахсий қабуллар, оммавий қабуллар зарур ҳолларда қабул қилиш жадвалларидан ташқари ҳам ўтказилиши мумкин.

Мурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколати доирасига кирадиган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига бевосита ёхуд бўйсунув тартибида юқори турувчи органга берилади.

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатни мустақил равишда беришга, шунингдек бу борадаги ваколатни ўз вакилига беришга ёхуд мурожаатни почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда юборишга ҳақли. Вояга етмаганлар, муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб мурожаатлар уларнинг қонуний вакиллари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берилиши мумкин.

Мурожаатга у бўйича илгари қабул қилинган мавжуд қарорлар ёки уларнинг кўчирма нусхалари, шунингдек уни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилиниши мумкин, мазкур ҳужжатлар қайтарилмайди, мурожаат этувчи уларни қайтариш ҳақида ёзма ариза берган ҳоллар бундан мустасно. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мурожаат тааллуқлилиги бўйича бошқа давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига юборилганда мурожаатга илова қилиниши керак.

Мурожаат почта алоқа воситаси орқали конвертда келиб тушганда конвертда мурожаат ва унга иловалар мавжудлиги текширилади. Конвертда мурожаат мавжуд бўлмаса ёки у шикастланган бўлса, шунингдек мурожаатда кўрсатилган иловалар мавжуд бўлмаса, далолатнома тузилиб, унинг бир нусхаси мурожаат этувчига конвертда кўрсатилган манзил бўйича юборилади.

Хулоса қилиб айтганда, қонун нормаларининг ҳаётга татбиқ этилиши мурожаатларнинг давлат ва хўжалик бошқарув органлари томонидан ўз вақтида, тўлиқ, беғараз ўрганилиши ҳамда улар юзасидан қонуний чоралар кўрилишини таъминлайди. Мурожаатлар соҳасидаги қонунчилик талабларининг бажарилиши эса халқнинг адолатга, давлатга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**К. ТУХТАЕВ,**  
Тайлоқ туманлараро  
иқтисодий суди раиси

## *ОТАЛИКНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ*

Маълумки, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болалар ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқладиган манфаатларини, ота-онанинг келиб чиқиши ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, ҳимояланишини таъминлаш судларнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг янги таҳрирда қабул қилингани муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўз навбатида, судлар оталикни белгилаш билан боғлиқ ишларни тўғри кўриб чиқишлари, судда кўришга пухта тайёрлашлари, ишнинг ҳақиқий ҳолатлари ва тарафларнинг ўзаро муносабатларини тўла аниқлаш юзасидан чоралар кўришлари лозим.

Агар никоҳлари қонуний расмийлаштирилмаган ота-онанинг фарзандлари бўлса, бундай болаларнинг насаби ота-оналарининг никоҳни қайд этиш органларига берган аризаларига биноан белгиланади. Борди-ю, бундай ариза берилмаса (ота боланинг отаси бўлишни тан олмаса), болага нисбатан оталик суд тартибида даъво қўзғатиш йўли билан белгиланиши мумкин.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги талабнинг судда кўрилиши масаласини ҳал этиш учун судья процессуал аҳамиятга эга бўлган ва оилавий қонунчиликда назарда тутилган қатор ҳолатларни текширади. Оталикни суд тартибида белгилаш даъво иши ва алоҳида тартибда кўриладиган ишларга оид қоидалар бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистоннинг оила қонунчилиги оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларнинг уч хил туркумини ажратиб кўрсатади: даъво ишини юритиш тартибида кўриладиган оталикни белгилаш тўғрисидаги, алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган оталикка иқдор бўлиш фактини ва оталик фактини белгилаш тўғрисидаги ишлар.

Оталикни суд тартибида белгилашнинг моддий-ҳуқуқий оқибатлари бирдек бўлса ҳам, бу уч туркумдаги ишларнинг ҳар қайсиси ўзига хос процессуал ва моддий-ҳуқуқий таърифга эга. Уларнинг судда кўрилишида турли далилий ҳолатлар белгиланади, судга мурожаат қилиш ҳуқуқи асослари, исботлаш предмети, суд қарори ҳам турлича бўлади.

Оталикнинг даъво ишини юритиш тартибида белгиланиши ва алоҳида тартибдаги иш юритишда оталик фактини белгилаш тўғрисидаги талабларнинг қаноатлантирилиши Оила кодексининг 61–63-моддаларида санаб ўтилган

ҳолатлардан бирининг тасдиқланиши билан боғлиқдир.

Болани ўз тарбиясига олган ва отаси бўлишга иқрор бўлган шахс вафот этган ҳолда оталикни тан олиш факти Оила кодексининг 60-моддаси асосида белгиланади. Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишни қўзғата туриб, судья мазкур талаб судда кўришга тегишлилигини, ишнинг қайси туркумдаги ишларга оид эканлигини аниқлаши лозим. Бунинг учун процессуал аҳамиятга эга ҳолатлар текширилади. Оталикни белгилаш тўғрисида иш қўзғатиш учун умумий асос боланинг ота-оналари ўртасида расмийлаштирилган никоҳнинг йўқлигидир. Бошқа ҳолатлар даъво ишини ёки алоҳида тартибда кўриладиган ишларни қўзғатишга таъсир қилади.

Алоҳида тартибда кўриладиган ариза билан мурожаат қилинганда судья ишни қўзғатишда қандай факт белгиланиши кераклигини аниқлайди.

Боланинг туғилиш вақтида никоҳни қайд этиш идорасида боланинг отаси тўғрисида ёзилган ёзув алоҳида процессуал аҳамиятга эга бўлади. Бола туғилишининг Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида қайд этилиши, қоидага кўра, боланинг муайян ота-онадан туғилганлигини исботловчи далилдир. Ота-оналар билан болалар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келиши фақат никоҳнинг қайд этилиши билангина эмас, балки никоҳ бўлмаганида оталикнинг ФХДЁ органларида қайд этилиши факти билан ҳам боғлиқ бўлади.

Ариза қабул қилинишида оталик ҳақида ёзилган ёзув текширилади. Бундай ёзувнинг бўлиши муайян ҳолатлардагина ишнинг судда кўрилишига тўсқинлик қилмайди. Агар бола ФХДЁ органларида боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган отанинг исмига қайд этилган бўлса, бундай ёзувлар ҳуқуқий оқибатлар туғдиради. Агар боланинг отаси вафот этган бўлса, оталикнинг тан олиниши факти тўғрисидаги иш судда кўрилишга тегишли бўлади. Акс ҳолда, боланинг субъектив ҳуқуқи, чунончи: давлат пенсиясини, мерос олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш мумкин бўлмай қолади.

Оила кодексининг 62-моддасига мувофиқ оталикни белгилаш тўғрисидаги ариза билан судга боланинг ота-оналаридан бири ёки васийси (ҳомийси), болани тарбиялаб турган шахс, шунингдек боланинг ўзи ҳам вояга етганидан сўнг мурожаат қилиши мумкин.

Алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ишларда манфаатдор шахсларнинг иштирок этиши ишнинг ҳолатларини тўла аниқлашга ёрдам беради.

Қонуний никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган боланинг отасини суд йўли билан белгилаш учун муайян фактларнинг мавжудлигини аниқлаш талаб қилинади.

Суд оталикни белгилаш тўғрисидаги низоларни кўришда:

- боланинг онаси билан жавобгарнинг бола туғилишига қадар бирга яшаганликлари ва умумий рўзгор юритганликларини;
- болани биргаликда тарбиялаганликларини ёхуд уни таъминлаб турганликларини;

– жавобгарнинг оталикни тан олганлигини (оталикка иқрор бўлганлигини) аниқ тасдиқлайдиган далилларнинг бўлишини эътиборга олади.

Боланинг ота-оналари бирга яшаганларида боланинг жавобгар қарамоғида бўлиши факти аксарият ҳолларда очикдан-очик кўриниб туради. Буни белгилаш суд учун унчалик қийинчилик туғдирмайди. Бошқа ҳолларда суд ўз ташаббуси билан зарур далилларни тўплаши лозим.

Жавобгарнинг оталикка иқрорлиги тўғрисидаги суднинг хулосаси бу фактни аниқ тасдиқлайдиган далилларга асосланган бўлиши лозим. Оталикка иқрорлик қатъий шаклда бўлиши ва бу борада қарама-қарши фикр ва мулоҳазаларга йўл қўйилмаслиги керак. Шубҳали иқрорлик оталикни белгилаш учун асос бўлмайди.

Оталикни тан олганликни исботлайдиган далиллар жавобгарнинг хатлари, аризалари ва экспертларнинг фикрларидир.

Жавобгарнинг суд мажлисида оталикка иқрор бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Жавобгар судда даъвои тан олса, оталикка иқрор бўлса, қонунда назарда тутилган шартлар бўлмаса ҳам, суд оталикни белгилаш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.

Аммо, баъзи ҳолларда жавобгар ўз фарзанди бўлмаган болага нисбатан ҳам иқрор бўлиши мумкин. Бу одатда, тарафларнинг қонунда белгиланган тартибдан чиқиб, болани суд орқали фарзанд қилиб олишни исташлари билан боғлиқдир.

Оила кодексининг 61-моддасига кўра, ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилганда оталик онанинг ва ўзини боланинг отаси деб тан олган шахснинг биргаликдаги аризасига мувофиқ (боланинг онаси вафот этган, у суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, унинг яшаш жойини аниқлаш имкони бўлмаган ёки у оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолларда – ўзини боланинг отаси деб тан олган шахснинг аризасига мувофиқ) ФХДЁ органи томонидан белгиланади. Оталик, агар боланинг ота-онаси қандайдир сабабларга кўра ФХДЁ органига унинг келиб чиқиши (насл-насаби) тўғрисида биргаликда ариза бермаган бўлсалар, суд томонидан белгиланади.

Оила кодексининг 72-моддасига кўра, никоҳда бўлмаган вояга етмаган ота-онадан бола туғилган ҳолда улар 16 ёшга тўлганларидан сўнг оталикни белгилаш тўғрисида мустақил равишда талаб қўйишга ҳақлидирлар. Оталикни белгилаш тўғрисидаги иш бўйича тараф вояга етмаган шахс бўлса, суд унинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида унинг ота-онаси ёки васийсини қонуний вакил сифатида ишда иштирок этишга жалб этиши шарт. Оталикни белгилаш ҳақидаги ариза суднинг иш юритувида бола туғилганлиги фақат ФХДЁ органларида қайд этилганидан сўнг ва туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома такдим этилганда қабул қилиниши мумкин. ФХДЁ органларида боланинг туғилганлиги қайд этилмаган бўлса, суд аризани қабул қилишни рад этади. Қонунда мазкур тоифадаги ишлар бўйича даъво муддатлари назарда тутилмаган. Оталик бола туғилганидан сўнг ҳар қандай вақтда берилиши мумкин. 18 ёшга тўлган шахсга нисбатан фақат унинг розилиги билан, агар у муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, унинг васийси ёки васийлик ва ҳомийлик



органининг розилиги билан оталик белгиланишига йўл қўйилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларига кўра, оталикни белгилаш никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган боланинг ота ва онаси (агар отаси вояга етмаган ҳисобланса, унда унинг ота-онаси ёки қонуний вакили) томонидан ФХДЁ органига биргаликда берилган ариза асосида амалга оширилади. Оталикни белгилаш тўғрисидаги ариза туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини қайд этган ФХДЁ органига берилади. Оталикни белгилаш ариза берилган куни боланинг ота-онаси иштирокида амалга оширилади. Алоҳида ҳолларда оталикни белгилаш ҳақидаги ариза ота-онаси ёки улардан бирининг яшаш жойидаги ФХДЁ органига бола туғилмасдан олдин ҳам берилиши мумкин.

Бундай ҳолларда бола туғилгунга қадар унинг туғилган вақти ва исми ҳақидаги маълумотлар кўрсатилмайди. Оталикни ишончнома бўйича белгилашга йўл қўйилмайди. Агар оталик боланинг туғилганлиги қайд этилгандан сўнг белгиланса, оталикни белгилаш ҳақидаги аризага ёки суднинг ушбу масала юзасидан қарорига боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси илова қилинади. Оталикни белгилашда ота-оналардан бири иштирок этмаган тақдирда, унинг аризадаги имзоси қонун билан белгиланган тартибда (тиббийёт муассасаси, ФХДЁ органи, нотариус, ҳарбий қисм, жазони ўташ муассасаси раҳбарининг имзоси ва муҳри билан) тасдиқланади.

Онаси вафот этганда, у суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда ёки оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилганда, унинг яшаш жойини белгилашнинг имкони бўлмаганда вояга етмаган болага нисбатан оталикни белгилаш васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан отасининг аризасига асосан амалга оширилиши мумкин.

Бундай ҳолларда аризага: онасининг ўлими ҳақидаги гувоҳноманинг, онаси муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги тўғрисидаги суд қарорининг, онанинг оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги тўғрисидаги суд қарорининг нусхаси ҳамда ички ишлар органларининг 6 ойдан ортиқ муддат давомида онаси ҳақидаги маълумотларнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумотномаси илова қилинади.

Агар боланинг отаси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, оталикни белгилаш тўғрисидаги аризани васийлик ва ҳомийлик органининг руҳсати билан унинг ҳомийси бериши мумкин.

Боланинг туғилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувига отаси тўғрисидаги маълумотлар суд қарорига асосан киритилади. Бу ҳолда ФХДЁ органига қонуний кучга кирган суд қарори ва боланинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномаси тақдим этилади.

Оталикни белгилаш ҳақидаги ариза ФХДЁ органида имзоланади, ундаги маълумотлар аризачининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан солиштириб кўрилади. Ҳар бир ариза унинг тушган кунида рўйхатга олинади. 10 ёшга тўлган болага нисбатан оталик унинг розилиги билан белгиланади. Бунда боланинг розилиги ота-онаси томонидан берилган аризада унинг шахсий имзоси билан ифо-

даланади. ФХДЁ органи оталикни белгилаш ҳақидаги ариза асосида туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига тегишли ўзгартиришлар киритади.

Агар оталик белгиланган шахс никоҳ тузган бўлса, у ҳолда ФХДЁ органи никоҳ тузилганлиги ва болаларнинг туғилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувларига тегишли ўзгартиришлар киритади, шунингдек оталикнинг белгиланганлиги ҳақида маълумотнома беради. Агар ушбу далолатнома ёзувлари бошқа ФХДЁ органида қайд этилган бўлса, унга ўзгартиришлар киритиш масаласи мазкур ёзувларни қайд этган ФХДЁ органида манфаатдор шахснинг аризасига кўра ҳал этилади.

Оталик боланинг отаси бошқа аёл билан қонуний никоҳда турганлигидан қатъи назар, белгиланади. Шу сабабли, оталикни белгилашда унинг хотинининг розилиги талаб этилмайди. Агар боланинг туғилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувига отаси тўғрисидаги маълумотлар никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки оталикни белгилаш ҳақидаги аризага асосан киритилган бўлса, у ҳолда ота ҳақидаги маълумотлар суд тартибида бекор қилинмай туриб, бошқа шахс томонидан бу болага нисбатан оталик белгиланиши мумкин эмас. Агар боланинг туғилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзуви йўқолган бўлса, бу ёзув тиклангандан сўнггина оталик белгиланиши мумкин.

Агар туғилганликни қайд этиш ва оталикни белгилаш айти бир вақтда амалга оширилса, болага фамилия ота-онанинг келишуви бўйича бир йўла берилди, отаси ҳақидаги маълумотлар берилган аризага биноан ёзилади. Бунда ёлғиз она аризаси талаб қилинмайди. Оталикни белгилашдаги барча ҳолларда боланинг ота исми отанинг исми бўйича ўзгартирилади (ёзилади). Агар боланинг туғилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувида илгари кўрсатилган ота исми боланинг отаси деб ёзилган шахс исми билан тўғри келмаса, ФХДЁ органи оталикни белгилашни рад этишга ва ота-онасидан бу масала бўйича тушунтириш хати талаб қилишга ҳақли эмас.

Агар ота-онанинг никоҳи боланинг туғилганлиги қайд этилганидан кейин расмийлаштирилган бўлса, ушбу никоҳ туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига боланинг отаси ҳақидаги маълумотни ёзиш учун асос бўлолмайди. Бунда боланинг туғилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувига отаси тўғрисидаги маълумотлар оталикни белгилаш ҳақидаги аризага мувофиқ киритилади. Оталикни белгилаш ҳақидаги аризага асосан ФХДЁ органи боланинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига отаси тўғрисидаги маълумотларни шу кунгича киритади ва туғилганлик ҳақида янги гувоҳнома беради.

**Г. ХУДОЙБЕРДИЕВА,**  
**фукаролик ишлари бўйича**  
**Навоний вилоят суди судьяси**

# ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ: *ЯНГИЛИКЛАР ВА КАФОЛАТЛАР*

Бугун мамлакатимизда кечаётган демократик янгиланишлар босқичида Президентимиз томонидан адолат тамойили кун тартибидаги энг устувор масалалардан бири сифатида илгари сурилмоқда. Зеро, инсон манфаатлари устувор бўлган юрtdагина юксалиш бўлади, бундай давлат фуқароси ватан учун, ҳатто жонини фидо қилишга ҳам тайёр бўлади.

Давлатимиз раҳбари суд тизими вакиллари билан учрашувдаги нутқида соҳада эришилган ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликларни, хатоларни рўй-рост кўрсатган ҳолда истиқболдаги долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Зотан, мамлакатимизни ривожлантиришнинг стратегик устувор вазифалари суд-ҳуқуқ тизимини ҳам янада ислоҳ қилишни, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли химоя қилиш кафолатларини кучайтиришни тақозо этмоқда.

Фуқаролик суд ишларини юритиш тартибини белгиловчи фуқаролик процессуал қонунчилик тизимини янада такомиллаштириш, мавжуд нормаларнинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларни кучайтириш, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқиш кун тартибидаги муҳим масала эди.

2018 йил 23 январда бешта бўлим, 47 та боб ва 462 та моддадан иборат бўлган Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик процессуал кодекси (ФПК) қабул қилинди ва 2018 йилнинг 1 апрелидан кучга кирди.

ФПКнинг «Умумий қоидалар» деб номланган биринчи бўлимида куйидаги боблар мавжуд: асосий қоидалар, фуқаролик суд ишларини юритиш принциплари, суд таркиби, судьяни ва процесснинг бошқа иштирокчиларини рад қилиш, судга тааллуқлилиқ ва судловга тегишлилик, фуқаролик суд ишларини юритиш иштирокчилари, судда вакиллик, далиллар, даъвони таъминлаш, иш юритишни тўхтатиб туриш, аризани кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш, суд харажатлари, процессуал мажбурлов чоралари, процессуал муддатлар, суд хабарномалари ва чақирувлари, келишув битими.

«Биринчи инстанция судида иш юритиш» деб номланган иккинчи бўлим суд ишларини юритишнинг барча турларида қўлланиладиган умумий қоидалар ва суд ишларини юритиш турлари учун татбиқ этиладиган махсус нормалар мустаҳкамланган кичик бўлимлардан иборат.

«Фуқаролик процессида чет эл фуқаролари ва ташкилотларининг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг иштироки» деб номланган учинчи бўлимда чет давлат судларининг ва чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) ҳал қилув қарорларини тан олиш ҳамда ижро этишга оид масалалар ўрин олган. Муқаддам амалда бўлган ФПКдан фарқли равишда мазкур бўлимда чет эл фуқаролари ва ташкилотларининг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фуқаролик процессуал ҳуқуқлари, улар иштирок этаётган низолар, шунингдек лоақал биттаси чет элда яшаб турган тарафлар ўртасидаги низолар бўйича фуқаролик ишлари Ўзбекистон Республикаси судларининг судловига тегишли бўлиши, чет давлатларга нисбатан даъволар, чет давлат судларининг судга доир топшириқларини ижро этиш ва Ўзбекистон Республикаси судларининг чет давлат судларига топшириқлар билан мурожаат қилишига оид нормалар белгилаб қўйилди.

ФПКнинг «Суд ҳужжатларини қайта кўриш» деб номланган тўртинчи бўлимида апелляция, кассация, назорат инстанцияларида иш юритиш, қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш масалаларига оид нормалар белгиланган.

«Суд ҳужжатларининг ижроси» деб номланган бешинчи бўлимда суд ҳужжатларининг ижросига бағишланган қатор моддалар ўрин олган.

Янги ФПКнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, унда судга мурожаат қилувчи шахсларга қулайлик яратиш ҳамда мурожаат шакллари аниқлик киритиш мақсадида судга мурожаат қилиш шакллари номли алоҳида модда белгиланди. Унга кўра, судга мурожаат қилиш фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича – даъво аризаси шаклида, буйруқ тартибида иш юритиш бўйича, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича, шунингдек ФПКда назарда тутилган бошқа ҳолларда ариза шаклида, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларига мурожаат этилганда шикоят (протест) шаклида амалга оширилади.

Мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар судга электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкинлиги белгиланди (ФПКнинг 4-моддаси).

ФПКда фуқаролик ишларининг шаклланиши ҳамда уни расмийлаштириш тартибига оид нормалар ҳам ўз ифодасини топди. Фуқаролик иши ишда иштирок этувчи шахслар, фуқаролик суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари судга тақдим этган ёки суд томонидан талаб қилиб олинган ҳужжатлар ва суд ҳужжатлари асосида суд томонидан шакллантирилади.

Фуқаролик иши электрон шаклда шакллантирилган тақдирда, ишда иштирок этувчи шахслар ва фуқаролик суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари ҳужжатларни судга электрон шаклда тақдим этишга ҳақли. Ишда иштирок этувчи шахслар ва фуқаролик суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари судга тақдим этган ёзма ҳужжатлар ишга электрон шаклда қўшиб қўйилади, шундан сўнг ёзма ҳужжатлар уларни тақдим этган шахсларга қайтарилади. Суд ҳужжатлари судьянинг (судьяларнинг) электрон рақамли имзоси билан, суд мажлисларининг ҳамда процессуал ҳаракатларнинг баённомалари эса, раислик қилувчининг ва суд мажлиси котибининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Электрон шаклда шакллантирилган фуқаролик ишhini бошқа судга ёки ўзга органга ўтказиш ахборот тизими орқали амалга оширилади.

ФПКда суд ҳужжатлари тушунчаси ва тизимига оид норманинг аниқ баён этилгани мутахассислар ўртасидаги баҳс-мунозараларга чек қўйди. Хусусан, ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ва суд буйруғи қайси ҳолларда ва кимлар томонидан чиқарилиши масаласига ойдинлик киритилди. Яъни, суд қўрилайётган ва ҳал этилайётган масала бўйича ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ва буйруқ қабул қилади.

Биринчи инстанция суди ишни мазмунан қўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарори, ФПКнинг 18-бобида назарда тутилган ҳолларда эса, суд буйруғи қабул қилади. Суд қонунда ўзининг ваколатига киритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўриш натижалари бўйича қарор, иш мазмунан ҳал этилмайдиган масалаларни қўриш натижалари бўйича эса ажрим чиқаради.

Апелляция, кассация инстанцияси, Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати ишни қўриш натижалари бўйича ажрим, Олий суд Раёсати эса ишни назорат тартибида қўриш натижалари бўйича қарор чиқаради (ФПКнинг 6-моддаси).

Тарқоқ ҳолда бўлган фуқаролик суд ишларини юритиш принциплари янги ФПКда бир тизимга келтирилди. Хусусан, «Фуқаролик суд ишларини юритиш принциплари» деб номланган 2-бобда одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши, қонун ва суд олдида тенглик, судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мамлакатимизда шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишнинг самарадорлигини ошириш, судлар фаолиятининг очиқлиги ва одил судловни таъминловчи процессуал механизмларни янада такомиллаштириш чора-тадбирларини ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ масалалар ёритилган.

**Таянч иборалар:** Суд ҳужжатлари, судга мурожаат қилиш шакллари, келишув битими, аудио- ёки видеоёзув, видеоконференцалоқа, хорижий тажриба.

\* \* \*

В этой статье освещены правовые аспекты повышения эффективности судебной защиты законных интересов, прав и свобод личности, а также меры по совершенствованию и внедрению в жизнь процессуальных механизмов, обеспечивающих открытость и справедливость судопроизводства судов в нашей стране.

**Ключевые слова:** судебные документы, формы обращения в суд, мировое соглашение аудио- или видеозапись, видеоконференцсвязь, зарубежный опыт.

\* \* \*

This article outlines the aspects of improving the effectiveness of judicial protection of human rights, freedom and legitimate interests, and the implementation of measures on further improvement of the procedural mechanisms in order to ensure the transparency of the courts and the access to justice.

**Key words:** judicial documents, forms of appeal, amicable agreement, audio or video recordings, videoconferencing, foreign experience.

бўйсунуши, тарафлар тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги, суд ишлари юритиладиган тил, суд муҳокамасининг ошкоралиги, бевоситалиги ва оғзакилиги, ишларни қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш, ишнинг ҳақиқий ҳолати, тарафлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг суд томонидан аниқланиши, суд ҳужжатларининг мажбурийлиги каби муҳим принциплар ўз ифодасини топган.

Суд муҳокамасининг ошкоралиги принципи замон талабларидан келиб чиқиб такомиллаштирилди. Хусусан, суднинг ёпиқ мажлисида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари тарафларнинг розилиги билан ёки шахсини кўрсатмаган тарзда суднинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши мумкин, бундан суднинг ёпиқ мажлисида қабул қилинган суд ҳужжатлари мустасно.

Янги ФПКнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири унда тарафлар ўртасида тузиладиган келишув битимига алоҳида эътибор берилганлигидир. Зеро, судьялар иш ҳажмини камайтиришда суд мажлисига қадар тарафлар ўртасида келишув битимини тузиш орқали иш юритишни тугатишга эришиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, ФПКда келишув битимига бағишланган махсус бобда келишув битимини тузиш, унинг мазмуни, келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш, келишув битимини тасдиқлашни рад этишга оид нормалар батафсил белгилаб қўйилди.

Янги ФПКда фуқаролик процессига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг ҳуқуқий асослари ва механизмлари ҳам мустаҳкамланди. Хусусан, очиқ суд мажлислари видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши суднинг ташаббусига кўра ёки суд процесси иштирокчиларининг илтимосномаси билан суд мажлисининг аудио- ёки видеоёзуви олиб борилиши мумкин.

Суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш зарур бўлган тақдирда, шунингдек суд мажлисида аудио- ёки видеоёзув воситаларидан фойдаланилганда суд ишда иштирок этувчи шахсларни ва суд процессининг бошқа иштирокчиларини бу ҳақда огоҳлантиради.

Суд мажлиси залида ҳозир бўлганлар ёзма қайдлар қилиш ҳуқуқига эга. Суд мажлисини фототасвирга тушириш, аудио- ва видеоёзувни амалга ошириш, шунингдек оммавий ахборот воситаларида трансляция қилишга тарафларнинг розилиги ва суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилади.

**М. МАМАСИДДИҚОВ,**  
Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти  
бошлиғининг биринчи ўринбосари,  
юридик фанлар доктори, профессор

## ҲАДЯ ШАРТНОМАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ БЕЛГИЛАРИ ВА УНИНГ БОШҚА ШАРТНОМАЛАРДАН ФАРҚИ

*Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тизимида ҳадя шартномаси ўзига хос ўрин тутади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига кўра, ҳадя шартномасига асосан бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби)-ни беради ё бериш мажбуриятини олади ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкӣ мажбуриятдан озод қилади ёинки озод қилиш мажбуриятини олади. Ҳадя шартномасида шахс ва бериладиган нарса аниқ кўрсатилиши керак.*



Ашё ёки ҳуқуқ муқобил берилганида (муқобил мажбурият мавжуд бўлганида) шартнома ҳадя деб тан олинмайди.

Бирон-бир шахсга ашёни ёки мулк ҳуқуқини текинга беришни ёки бирон-бир шахсни мулкӣ мажбуриятдан озод этишни ваъда қилиш (ҳадя этишни ваъда қилиш), агар ваъда тегишли шаклда берилган бўлса ва келажакда аниқ шахсга ашё ёки мулкӣ ҳуқуқни текинга бериш ёки уни мулкӣ мажбуриятдан озод қилиш мақсади аниқ кўриниб турган бўлса, ҳадя шартномаси деб тан олинади.

Ашё, мулк ҳуқуқи ёки мулкӣ мажбуриятдан озод қилиш шаклида ҳадя нарсасини аниқ кўрсатмасдан, ўзининг мол-мулкни ёки мол-мулкнинг бир қисмини ҳадя этишни ваъда қилиш ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Ҳадяни ҳадя олувчига ҳадя қилувчининг вафотидан кейин топширишни назарда тутувчи шартнома ҳам ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди. Бундай ҳадяга нисбатан Фуқаролик кодексининг ворислик тўғрисидаги қоидалари қўлланади.

Кўпчилик ҳадя шартномаси билан олди-сотди ҳамда айирбошлаш шартномаларини бир хил таърифлайди. Ҳолбуки, мазкур шартномалар бир-биридан кескин фарқ қилади.

Чунки, *биринчидан*, ҳадя шартномаси текин ва пул олинмайдиган шартномадир. Бошқача айтганда, бир тарафга ашёни топшираётган тараф бунга жавобан ҳеч қандай эквивалент (яъни, на пул ва на қандайдир ашё) олмайди.

*Иккинчидан*, умумий қоидалар бўйича ҳадя шартномасига биноан нафақат ашё, балки ашёвий ҳуқуқ (талаб) ҳам топширилади. Шуни айтиб ўтиш керакки, буюм ва ашёвий талаблар ашёнинг турларидандир. Олди-сотди ва айирбошлаш шартномалари бўйича товарлар (ашёлар) ўтказилади, ашёвий ҳуқуқлар эса товар сифатида бу ҳуқуқларнинг мазмуни ва характери нимани рухсат этса, шу ролни бажара олади.

*Учинчидан*, олди-сотди ва айирбошлаш шартномаларининг айрим тарафлари ҳадя шартномасида тараф бўла олмайди.

*Тўртинчидан*, ҳадя шарномаси нафақат ашёнинг (ёки ашёвий ҳуқуқнинг) топширилишига қаратилади, балки ҳадя олувчини ашёвий мажбуриятлардан озод қилишни ҳам назарда тутати, бу эса олди-сотди ва айирбошлаш шартномаларига хос эмас.

Ҳадя шартномасини тузишда қуйидаги жиҳатлар алоҳида эътибор талаб этади: шартномани тасдиқлашда ҳар иккала томон: ҳадя қилувчи ва олувчи қатнашиши; ҳар иккала томоннинг хоҳиш-иродаси;

томонларнинг амалдаги, муддати ўтмаган паспорт маълумотлари, доимий ёки вақтинча рўйхатга олинган яшаш жойлари;

ҳадя қилинаётган кўчмас мулк (уй)нинг кадастр ҳужжатлари, уй режаси, майдони, қавати, нечта хонадан иборат эканлиги, хонадон манзили, жойлашган жойи, уй дафтари, уй тури (ҳовли ёки кўп қаватли уй) ҳақидаги тўлиқ маълумот;

эгаллик ҳуқуқини белгилувчи ҳужжатлар (турли хил шартномалар, гувоҳномалар, ҳоким ёки суд қарорлари, давлат далолатномаси, уй-жой кооперативлари маълумотномалари ва бошқалар);

ҳадя қилинувчи иморатнинг лойиҳавий режаси, кўчмас мулк жойлашган тумандаги кадастр бўлимининг белгиланган тартибдаги маълумотномаси, турар жойидан, сув, газ, электр энергияси, телефон ва бошқа тўловлардан қарзи йўқлиги тўғрисида коммунал бўлимдан маълумот;

ҳадя берувчи турмуш ўртоғининг розилигини билдирувчи ёзма ариза.

Ҳадя шартномаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи)га текинга мол-мулк қилиб бериладиган ашёларни;

бир тараф иккинчи тарафга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби)ни берадиган ёки бериш мажбуриятини олган ҳолларда мулккий ҳуқуқни;

бир тараф бошқа тарафни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулккий мажбуриятдан озод қиладиган ёки озод қилиш мажбуриятини олган ҳолларда мулккий ҳуқуқни.

Кўришиб турибдики, ҳар бир ҳолатда ҳам икки мустақил тушунча қўлланилган:

**МАЪЛУМОТ УЧУН:**

– ҳадя шартномаси илк бор Рим қонунчилигида қайд этилган;

– қуроғлар ёки шу каби жамоат хавфсизлигига хавф солувчи буюмларни ҳадя қилиши мумкин эмас;

– ҳадя қилувчи ҳадя қилинган хонадонда оила аъзоси сифатида истиқомат қилишига ҳақли;

– ҳадя қилувчи ҳадя эвазига нимадир талаб қилишига ҳақли эмас.



ашёни топшириш ёки топшириш мажбуриятини олиш. Бироқ, ҳамма ҳолларда ҳам ҳады шартномаси вужудга келавермайди. Ҳады қилувчи ҳады нарчасини айнан битим тузиш пайтининг ўзидаёқ топширади, яъни шартномани тузиш ва ижро этишни бир вақтда амалга оширади. Мулк ҳады олувчига топширилган пайтдан эътиборан ҳады шартномаси тузилган ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқида мавжуд аксарият битимлар ҳақ бараварига тузилиб, қарама-қарши тарафларда ўзаро мос ҳуқуқ ва бурчлар мавжуд бўлади. Ҳады шартномаси эса, бир томонлама бепул тузиладиган шартномалар жумласига киради. Лекин, айрим ҳолларда шартнома икки томонлама ҳисобланади ва ҳады олувчининг розилиги талаб қилинади. Шунингдек, ҳады олувчига айрим мажбуриятлар юкланиши мумкин.

Фуқаролик қонунчилигида ҳадынинг ҳады олувчига ҳады қилувчининг вафотидан кейин топширилишини назарда тутувчи шартнома тан олинмайди. Бундай ҳадыга нисбатан васиятнома тўғрисидаги қоидалар қўлланилади. Ҳадынинг васиятномадан фарқи қуйидагиларда номаён бўлади:

мулк ҳады олувчининг тириклигида топширилади, бу унинг мулки камайишига олиб келади, васиятномада эса инсоннинг ҳаётлигида унинг мулкӣ ҳуқуқлари акс этмайди;

васиятнома бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин, ҳады эса, қоида тариқасида, орқага қайтмайди;

ҳадыни шартнома дейиш мумкин, васиятнома эса ўз ҳуқуқӣ табиатига кўра битим ҳисобланади.

Ҳады нарчаси ҳады қилувчининг мулки бўлиши керак ва унинг эғалигида сақланиб туриши ҳамиша шарт ҳисобланмайди.

Ҳады шартномасининг предмети фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатларда объект ҳисобланадиган фуқароларнинг эғалигидаги ашё бўлиши шарт. Ҳады шарномасининг предмети фақат ҳады олувчиларнинг шахсий эҳтиёжини қондирадиган ашёдангина иборат бўлмайди. У ишлаб чиқариш воситалари, мулк комплекслари, олинандиган фойдалар (дивидендлар) ва бошқа кўринишда бўлиши мумкин. Ер ва ер ости бойликлари ҳады шартномасининг предмети бўлиши мумкин эмас. Агар умрбод фойдаланишга олинган ер участкаси ҳады қилинган бўлса, бу шартнома ҳақиқӣ ҳисобланмайди.

Ҳады қилишни ният қилган инсон ҳали шартнома тузилмасдан оламдан ўтиб қолса, бўлажак ҳады эғаси мулкни талаб қилишга ҳақли эмас. Бу шунчаки ваъда ҳисобланади. Агар нотариал идорада иш бошланган, шартнома тузиш ҳаракатлари амалга оширилган бўлса, ишни марҳумнинг яқинлари мерос гувоҳномасини расмийлаштириш орқали давом эттиришлари мумкин.

**И. РАЖАБОВ,**  
Тошкент туманлараро  
иқтисодий суди судьяси,

**Ш. ГАЙБЕРДИЕВ,**  
Олий суд катта  
консультанти

## МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАР ВА УЛАРНИ ЮРИТИШ БЎЙИЧА СУДЬЯ ЁРДАМЧИСИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида 2017 йилнинг 1 июнидан Ўзбекистонда маъмурий судлар фаолият бошлади.

Мазкур судлар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни, маъмурий ҳамда бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқишга ваколатлидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (МЖтК) билан тартибга солинади.

МЖтКда таъриф берилганидек, маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда, қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Ушбу Кодекс талабига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ҳеч ким қонун ҳужжатларида белгиланган асослар ва тартибдан бошқача тарзда таъсир кўрсатиш чорасига тортилиши мумкин эмас.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс бу ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойда амал қилиб турувчи қонун ҳужжатлари асосида жавобгарликка тортилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Мансабдор шахслар бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, табиий муҳитни, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган қоидаларга ва бажарилишини таъминлаш ўз хизмат вазифаларига қирадиган бошқа қоидаларга риоя этмаганлик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилади.

МЖтКнинг 16-моддасида ҳарбий хизматчилар ва интизом уставлари татбиқ этиладиган бошқа шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги ҳамда 17-моддасида ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги белгиланган.

Маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш

руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун маъмурий жазо чоралари куйидагилардир:

- 1) жарима;
- 2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;
- 3) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;
- 4) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;
- 5) маъмурий қамоққа олиш;
- 6) чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга жазо чорасини қўллаш чоғида суд содир этилган ҳуқуқбузарликнинг хусусиятини, ҳуқуқбузарнинг шахсини, унинг айбдорлик даражасини, мулкӣ аҳволини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши, айбдорнинг ҳуқуқбузарликнинг зарарли оқибатлари олдини олиши, етказилган зиённи ихтиёрий равишда тўлаши ёки келтирилган зарарни бартараф қилиши, ҳуқуқбузарликнинг кучли руҳий ҳаяжон таъсири остида ёки оғир шахсий, оилавий ёхуд бошқа шароитлар юзага келганлиги оқибатида, таҳдид ёки мажбурлов таъсирида ёхуд хизмат юзасидан, моддий ёки бошқа жиҳатдан қарамлиги таъсири остида, вояга етмаган шахс, ҳомиладор аёл ёки ўн тўрт ёшгача бўлган боласини яқка ўзи тарбиялаётган шахс томонидан содир этилиши маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳоланади.

Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда бошқа ҳолатлар ҳам жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб топилиши мумкин.

Ғайриҳуқуқий ҳаракатларни тўхтатиш ваколати бор шахслар томонидан қўйилган талабга қарамай, бундай ҳаракатларнинг давом эттирилиши, маъмурий жазо чорасига тортилган шахснинг бир йил мобайнида ҳуқуқбузарлик содир этиши, ҳуқуқбузарликнинг илгари судланган шахс, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши, вояга етмаган шахсни ҳуқуқбузарликка тортиш, ҳуқуқбузарликнинг табиий офат шароитида ёки бошқа ғавқулдда ҳолатларда содир этилиши, маст ҳолда содир этилиши маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳоланади.

Суд маъмурий жазо чорасини қўллаётганда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда сабаблар ва асосларни албатта кўрсатиб, содир этилган ҳуқуқбузарликка оид моддалар

санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки ушбу моддаларда назарда тутилмаган янада энгил жазо чорасини қўллаши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича ўзига нисбатан суднинг қарори чиқарилган шахс, жабрланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, адвокат ва прокурор, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган орган биринчи инстанция судининг қарори устидан суд қарорининг кўчирма нусхаси топширилган ёки олинган кундан эътиборан икки ой ичида кассация шикояти (протести) беришга ҳақли.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2017 йил 23 декабрдаги қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари ходимларининг мансаб йўриқномаси тасдиқланди.

Мазкур йўриқнома Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари ходимларининг асосий хизмат вазифаларини белгилайди.

Йўриқномада судья катта ёрдамчисининг қуйидаги вазифалари белгилаб кўйилган:

- биринчи инстанция судида кўриш учун келиб тушган маъмурий ишларни девонхонадан қабул қилади ва тегишли китобга қайд этиб, судьяга топширади;
- иш кўриш билан боғлиқ сўров хатларини тайёрлайди, тегишли орган ва ташкилотларга етказиш чораларини кўради, суднинг чақирув қоғозларини ёзади ва юборади;
- суд мажлисига процесс иштирокчиларини чақиради;
- суд мажлисига тайинланган ишлар рўйхатини тузади ва уларни белгиланган жойга илиб кўяди;
- суд мажлисига чақирилган шахсларнинг келган-келмаганлигини аниқлайди ва уларнинг судда бўлган вақтлари ҳақида чақирув қоғозига белги кўяди;
- кўрилаётган барча ишлар, шу жумладан, туман (шаҳар) судларидан келиб тушган ишлар бўйича суд мажлиси баённомасини ҳамда амалга оширилган алоҳида процессуал ҳаракатлар бўйича баённомани юритади;
- гувоҳнинг қасамёди ҳақидаги, жабрланувчи, гувоҳ, таржимон, эксперт ва мутахассисларнинг уларга мажбурият ва жавобгарлиги тушунтирилганлиги тўғрисидаги тилхатни расмийлаштиради;
- ишлар кўриб чиқилгандан сўнг, уларни расмийлаштиради, кўриб чиқилган ишлар бўйича суд раиси ва судьянинг топшириғига биноан суд ҳужжатларидан нусхалар олади, қарор ва ажримларни тегишли тарафларга беради ёки юборади;
- суд процесси иштирокчиларини суд мажлиси баённомаси, иш ҳужжатлари билан таништиради ва зарур ҳолларда ишдаги ҳужжатлардан нусхалар беради;
- маъмурий ишга тегишли материалларни тикади, уларни рақамлайди ва рўйхатини тузади;
- ишларни ҳисобга олиш китобига кўрилган ишлар ва уларнинг натижаларини ёзиб боради;

- апелляция ёки кассация шикоятни ёки протести билан ишнинг юборилиш вақти, кўрилиши ҳақидаги натижаларни ва қайтарилиш вақтини ҳисобот варақасига белгилайди;
- биринчи инстанция тариқасида кўрилган ишларни апелляция ва кассация инстанциясига бериш учун расмийлаштиради;
- апелляция ва кассация тартибида кўрилган ишларни туман (шаҳар) судига юбориш учун девонхона мудирига топширади;
- биринчи инстанция тариқасида кўрилган ишлар юзасидан чиқарилган суднинг қарорлари ва ажримларига оид ижро варақаларни ёзади;
- тамомланган ишларни архивга топширилгунга қадар сақлаш чораларини кўради;
- қайд китобини ва иш бўйича ҳисоб варақаларини юритади;
- ижроси тугалланмаган ишлар бўйича эслатма хатлар ва бошқа зарур ёзишмаларни тайёрлайди;
- биринчи инстанция тариқасида кўрилиб, тамомланган ишларни девонхона мудирини орқали архивга топширади;
- биринчи инстанцияда кўрилган маъмурий ишлар бўйича маълумотларни ахборот тизимига киритиб боради;
- тўлдириб бўлинган қайд китобини ва ҳисоб варақаларини архивга топширади;
- ишларни кўриш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал қилади;
- кўрилган ишлар юзасидан ҳисоботлар тайёрлаб, суд амалиёти ва статистика таҳлили бўлимига топширади;
- апелляция ва кассация инстанцияси судида кўриш учун келиб тушган маъмурий ишлар қайта расмийлаштиришга юборилган ёхуд ишни кўриш бошқа кунга қолдирилган ҳолларда бу ҳақда тарафларга маълум қилади;
- апелляция ва кассация инстанциясида кўрилган ишлар юзасидан қабул қилинган суд қарорлари нухасининг ишда иштирок этувчи шахсларга юборилишини таъминлайди;
- суд раиси ёки судья томонидан фуқароларни қабул қилишда иштирок этади ва уларнинг кўрсатмаларига мувофиқ қабул билан боғлиқ ташкилий ишларни бажаради;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг процессуал характерда бўлмаган мурожаатларини ўрганиб чиқади ҳамда улар юзасидан жавоб лойиҳаларини тайёрлайди;
- суд ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлайди;
- ҳуқуқий тарғибот ишларида иштирок этади;
- раҳбариятнинг бошқа топшириқларини бажаради.

**С. РЎЗИЕВ,**  
**Бухоро вилоят**  
**маъмурий суди раиси**

## ИШ ҲАҚИ – ХОДИМ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

Маълумки, юртимизда меҳнатга оид муносабатлар Меҳнат кодекси ва «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Меҳнат кодексининг 9-бобида ходимнинг меҳнат ҳақи миқдорини белгилаш, меҳнатга ҳақ тўлаш кафолатлари, ходимларни рағбатлантириш тартиб-қоидалари белгиланган.

Меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон-бир тарзда чекланмайди.

Айтиш жоизки, меҳнатга ҳақ тўлаш меҳнат шартномасининг муҳим шартларидан бири сифатида ходим томонидан бажарилган ишнинг миқдор ва сифатини баҳолаш мезони бўлиб хизмат қилади.

Меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа ҳужжатларда белгиланади.

Бюджет ҳисобидан молиявий таъминладиган муассасалар ва ташкилотларнинг, шунингдек давлат корхоналарининг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Табиий-иқлим ва турмуш шароитлари ноқулай бўлган жойларда иш ҳақига коэффициентлар ва устамалар белгиланади.

Коэффициентлар ва устамалар жорий қилинадиган жойларнинг рўйхати, шунингдек уларни қўллаш тартиби, миқдорини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилайди.

Аҳолининг катта қисми меҳнат шартномасига кўра ишлашини ҳамда асосий тирикчилик манбаи иш ҳақи эканлигини ҳисобга олсак, унинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамияти нечоғлик катта эканлигини тушуниш қийин эмас.

Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган шартларга мувофиқ Меҳнат кодексининг 161-моддасида кўрсатилган муддатларда тўлайди.

Меҳнат шартномасининг тарафлари келишуви билан белгиланган меҳнат ҳақи миқдори жамоа шартномаси ёки келишувида ўрнатилган миқдордан кам бўлиши мумкин эмас.

Шунингдек, иш ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган энг кам иш

ҳақи миқдоридан оз бўлмаслиги шарт.

Меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари қандай тартибда ўрнатилган бўлса, ўша тартибда ўзгартирилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг яқка шартларини ходим учун ноқулай томонга ўзгартиришга унинг розилигисиз йўл қўйилмайди. Бўлажак ўзгартириш ҳақида ходим камида икки ой олдин огоҳлантирилиши лозим.

Иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдорда ҳақ тўланади. Байрам ёки дам олиш куни ишлаганлик учун ходимнинг хоҳишига кўра бошқа дам олиш куни берилиши мумкин. Тунги вақтдаги ишнинг ҳар бир соати учун камида бир ярим баравар миқдорида иш ҳақи тўланади. Ходимнинг айби билан тайёрланган тўлиқ яроқсиз маҳсулот ва бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тўланмайди. Бир неча лавозимда ва ўриндошлик асосида ишлаганлик учун меҳнат ҳақи миқдори меҳнат шартномасида тарафларнинг келишувига кўра белгиланади.

Иш ҳақи вақтида тўланмаслигидан ходим норози бўлганда ўзи ёки бандликка кўмаклашиш маркази орқали судга мурожаат қилиши мумкин.

Шу ўринда суд амалиётидан олинган мисолга эътибор қаратсак. Даъвогар – Наманган шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази судга М.М. манфаати юзасидан мурожаат қилиб, жавобгар – Наманган шаҳар Меҳнат муҳофазаси мутахассислари ассоциациясининг 2015 йил 3 ноябрдаги 14-сонли буйруғига асосан иш юритувчи вазифасига ишга қабул қилинган М.М.га ташкилот раҳбари томонидан қонунчилик талабларига зид равишда иш ҳақи тўланмаганлигини кўрсатиб, ташкилотдан унинг фойдасига 2 337 789 сўм ундириб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг 2017 йил 23 январдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъвоси қаноатлантирилиб, Наманган шаҳар Меҳнат муҳофазаси мутахассислари ассоциациясидан даъвогар фойдасига 2 077 789 сўм иш ҳақи ундириш белгиланган.

Мазкур ҳал қилув қарори юқори суд инстанциялари томонидан ҳам қонуний деб топилган.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциямиздаги ҳар кимнинг меҳнат қилиш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан химояланиш ҳуқуқларига оид устувор қоидаларни рўёбга чиқариш учун мамлакатимизда барча зарур шароитлар яратилган.

**О. ХАСАНОВ,**  
фуқаролик ишлари бўйича  
Наманган вилоят суди судьяси

# ЭШИК ОРТИДАГИ ҚОТИЛЛИК

Кузатган бўлсангиз, кейинги вақтда ижтимоий тармоқларда қариндош-уруғлар ўртасида содир этилган жиноятлар хусусидаги воқеалар акс этган суратлар, видеолар тез-тез тарқалмоқда. Ўғил ўз отасига, ака укасига, опа эса синглисининг бўғзига пичоқ қадаб, тан жароҳати етказиб, уни ўлим оstonасига етаклаётганига нима дейсиз?! Андижонлик ёш она уч яшар ўғилчасини бўғиб ўлдирганини қандай изоҳлаш мумкин?!

Бу воқеаларни интернет тармоқларидаги сайтлар орқали ўқиб бораётган одамларнинг қалби ларзага тушаяпти. Кимдир ҳамон уларнинг тақдирига бефарқ бўлса, кимдир изтироб чекаяпти.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Пўлат Бобожонов 2017 йилда мамлакат бўйлаб 73 минг 692 та жиноят қайд этилганини маълум қилди. Вазирнинг айтишича, шуларнинг қатта қисми оилавий келишмовчиликлар сабабли яқин қариндошлар бир-бирига нисбатан содир этган қотилликлар сирасига киради.

«Фарғона водийсида акалар ўз укасини пичоқлади» сарлавҳаси остида интернетда тарқалган мақолада 25 март куни Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида соат кечки 22:30 ларда Исломобод МФЙ, Машғал кўчаси, 16-уйда яшовчи 1985 йилда туғилган Ш. Собиров уйида ўзаро жанжал оқибатида бирга яшаган укаси – 1986 йилда туғилган Д.Собировнинг чап кўкрак қисмига пичоқ билан уриб жароҳат етказгани қайд этилган. Натижада Д.Собиров касалхонага ётқизилган ва кўрсатилган тиббий муолажаларга қарамай, вафот этганлиги, Ш. Собиров эса қўлга олингани хабар қилинган.

Ички ишлар вазирлиги Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида қотиллик содир бўлганини хабар қилди.

Қайд этилишича, 22 март куни соат 01:30 ларда Ш. Рашидов кўчаси, 10-уйда яшовчи, 1983 йилда туғилган Б. И. уйида отаси – 2-гуруҳ ногирони, 1961 йилда туғилган З. И. билан бирга спиртли ичимлик истеъмол қилиб, келиб чиққан ўзаро жанжал оқибатида ўз отасини кўли билан бўғиб ўлдирган.

«Жиноят – одамлар хавфсизлигига путур етказувчи мудҳиш ҳодиса. Бундай ҳолатлар кўпроқ ёшлар томонидан турли сабабларга кўра содир этилиши кузатилади. Албатта, бир жиноят содир бўлиши ҳам ташвишланарли, бироқ бу жараёнда хотин-қизлар, вояга етмаганлар учраётгани янада аянчли ҳолат», дейди Пўлат Бобожонов.

Масалан, рўйхатга олинган жиноятларнинг 9,5 мингдан ортиғи хотин-



кизлар томонидан содир этилган. Фарғонада 1 минг 625, Тошкент шаҳрида 1 минг 592, Тошкент вилоятида 1 минг 402, Самарқандда 1 минг 66, Андижонда 972 ва Наманганда 751 нафар аёл жиноятга қўл урган. Хўш, бу каби жиноятларнинг содир этилишига нима сабаб бўлмоқда? Балки, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янаям чуқурроқ ўрганиш, одамлар қалбига яқинроқ кириб бориш зарурдир? Қуйидаги ҳикоя ҳам реал воқеа асосида ёзилган. Мухбиримиз воқеа қаҳрамонининг илтимосига биноан исм-шарифларни ўзгартириб ёзишга қарор қилди.

\* \* \*

Нодира бир зум эшикка суяниб қолди. Боши гаранг, мияси худди қотиб қолгандек, фикрлашдан тўхтаган. Бир қадам юрса, йиқилиб тушадигандек эшик раҳига қаттиқроқ суянди. У меҳмонхонадаги мана шу яшил рангга бўялган эшикни жуда ёмон кўради. Сабаби...

Бундан анча йил илгари онаси шу эшикдан синглисини кўтариб кирганида хайратланиб қолган. Нодира олти ёшга тўлганида онаси яна чақалоқ олиб келди. Синглиси Диана жуда ҳам кичкина, ширингина эди. Опа-сингиллар бир-бирига бир томчи сувдек ўхшарди. Нодира опа бўлганидан хурсанд, ўзича турли хат-ёлларга бериларди. Энди синглим билан бирга ўйнаймиз. Дарс қиламиз. Катта бўлса, мен уйларни йиғиштирсам, у идишларни ювади...

Ҳаммаси акси бўлиб чиқди. Онаси Дианани Нодирадан кўпроқ эркалар, энг чиройли кийимларни синглисига олиб берарди. Ҳар доим, «сен катта қизсан, синглинг кичкина», дерди. У ойсини ҳам, синглисини ҳам ёмон кўриб қолди. Бир куни онаси сериал кўриб ўтирганди. Нодира секингина сурилиб бориб, пинжигасукилиб кирди. Тиззасига бошини қўйиб, бироз эркаланиб ётмоқчи эди. Шу пайт диванда ётган синглиси уйғониб, йиғлай бошлади. «Қоч, нари тур». Онаси Нодирани жаҳл билан итарди-ю, ўрнидан даст туриб, Дианани бағрига босиб олди. Диана ухлаб қолгач, Нодира яна онасига талпинди. «Намунча, ёш болага ўхшаб суйкаласан, қоч, асабимга тегма!» Онаси кафтлари билан Нодирани елкасидан итариб, жеркиб берди. Ўша куни у туни билан йиғлаб чиқди. Нега ойим мени ёмон кўради? Нима гуноҳ қилдим?

Йигирманчи апрель куни синглиси бир ёшга тўлди. Шу муносабат билан бувиси, бобоси, холалари меҳмонга келишди. Ҳамма жажжи Дианани табриклаб, қўлма-қўл кўтариб эркалатар, гўёки бу уйда ундан бошқа бола йўқдек тутишарди ўзларини.

Нодира бувисининг ёнига келиб ўтириб олди. Онаси икки-уч бор қизига хўмрайиб қараб қўйди. У гўёки ҳеч нарсани сезмагандек ўтираверди.

– Нодира, бор, тарелкаларни тайёрла, ҳозир торт кесамиз, – деди онаси ҳаммага эшиттириб.

– Ҳозир, – деди Нодира, аммо ўрнидан туришга шошилмади. Энди қизининг одатидан онаси ошқора безовталана бошлади. Тоғасининг қучоғида ўтирган Диана жажжи бармоқчасини иссиқ чойга тикиб олиб, чинқириб йиғлаб юборди.

Худди бунда ҳам Нодира айбдордек онаси асабийлашиб келиб, «Тур, сенга гапиряпман», – деди билагидан силталаб. Қиз юзини бекитганича, хонасига кириб диванга ётиб олди.

– Жуда дангаса, эринчоқ киз бўлаяпти. Қандай тарбиялашни билмаяпман, – деди онаси меҳмонларга уни ёмонлаб.

– Ҳозир шунақа ёшда, эси кириб қолади, – дея ёнини олди бувиси.

– Қаттиқроқ тураверинг, ёшлиқдан эгиб олмасангиз, кейин тарбиялаб бўлмайди, ҳозиргиларни, – ғийбатни илиб кетди холаси.

Тавба, холасига нима ёмонлаб, ўзининг иккита қизи бор. Бири-биридан эрка, совуқ сув тугул қўлларини хатто иссиқ сувга ҳам солишмайди. Мана ҳозир ҳам Нодирадан бир ёш катта қизи уй тўрида меҳмонлардек ястаниб, телефон ўйнаб ўтирибди. Шунақа, онаси уни ҳаммага ёмонлайверади. Ўша куни ҳеч ким Нодирадан хабар олмади, туни билан йиғлаб, сиқилиб чикди. Балки, мени онам ўзи туғмагандир. Етимхонадан олиб келгандир, менга ўғаймикан?..

Тун ярмидан оққанда ўрнидан туриб айвонга чикди. Ҳаммаёқ сокин. Осмонга термулди. Яккам-дуккам жойлардагина юлдузлар кўринади.

Ана, хув анави ерда бир донагина юлдуз ўзи чарақлаб турибди. Атрофида ҳеч ким йўқ. Ўша менинг юлдузим бўлса керак. Нодира кафтларини осмонга чўзиб, кўзларини юмиб олди. Хаёлан осмон билан учрашиб, юлдуз бўлиб яшаб кўрди.

Осмонда яшаш жуда ҳам завқли экан. Дарёлар, дарахтлар, гуллар ҳамма нарса юқорига қараб интилар экан. Худди мен каби. Нодира кўзларини очганида юлдузлар қаёққадир йўқолиб қолганди. Тавба, қаёққа ғойиб бўлишди? Кўп ўтмай осмонни қора булут қоплаб, момақалдиروق овози кела бошлади. Қиз шошганича хонасига кириб кетди. Яна ёмғир ёғади.

Душанба куни Нодиранинг синф раҳбари ота-оналар мажлиси ўтказди. Онаси иши кўплигини баҳона қилиб, мажлисга бормади.

– Ҳадеб минғирлаб бошимни оғритма, мажлисингдан бошқа ишларим ҳам кўп, – деди онаси бошқа эслатишга ҳожат қолдирмай.

Эртасига устози ота-онаси келмагани учун Нодирага синф хонасини тозалатди. Ўттиз бешта стулни парта устига кўтариб, полларни артиб, ювиб бўлганича кеч тушди.

– Кейинги сафар онангга мажлис бўладиган кунни эслатиш ёдингдан чиқмайдиган бўлди, – деди устози.

Чарчаб, хориб уйга келган қиз онасидан ҳам эшитадиганини эшитди. Онаси қанча ҳақоратламасин, миқ этмай тураверди.

– Сенга гапиряпман, нега кеч қолдинг?

– Уйга келгим, сизни кўргим келмади, шунга, – деди қиз юзини қаттиқ қилиб туриб олиб.

– Нима дединг?

– Эшитганингиз.

– Ҳали даданг келсин, кўрасан.

– Айтаверинг, менга қизиғи йўқ. Ҳеч кимга керак эмасман, айниқса, сизга фақат Диана керак.

– Вой, ичимдан чиққан илонвачча-ей. Ҳали ўз синглинга душманлик қилаяпсанми, – онаси Нодиранинг юзига тарсаки тортиб юборди. Дадаси ҳам бурчакка турғазиб бироз насиҳат қилди, сўнг ҳақоратга ўтди. «Бор, йўқол, кўзимга кўринма!» Нодира нажот илинжида акасига термулди. У ҳеч нарса бўлмагандек синглисини ўйнатиб ўтирарди. Унга нима, синглисига қарагани учун онасидан пул олади. Компьютер хонасига бориб, мазза қилиб ўйнаб келади.

Ўша воқеадан кейин Нодира синглисининг ёнига яқинлашмай қўйди. Унга рўпара бўлиб қолса, бошқа йўлдан юради, ўзини худди бегонадек тутади. Опа, деб талпинса, кўрмаганга оладиган бўлди. Онаси билан ҳам гаплашмай қўйди. Душанба куни онаси тушлиқдан кейин Дианани Нодирага қолдириб, болалар боғчасига мажлисга кетди.

Нодира синглисини пастда ёлғиз қолдириб учинчи қаватдаги хонасига кириб, эшикни қулфлаб олди. Диана бироз ўйнаб зериккач опасини излаб, унинг хонасига кирди. Эшик қулф. «Опа, опажон, эшикни очинг, кўрқиб кетаяпман», Диана эшик қулфини бураб, йиғлай бошлади.

Нодира зарб билан эшикни очди-ю, синглисининг билагидан қаттиқ ушлаб силтай бошлади:

– Сен учун ҳамма вақт ҳам, пул ҳам топади. Менга эса йўқ. Агар сен туғилмаганингда ҳамманинг эркатойи бўлиб қолардим. Болалигим, шўхлигим, ҳамма-ҳамма нарсадан маҳрум қилдинг.

Билаклари зиркираб оғриётган Диана опасининг қўлидан чиқиб қоча бошлади. Жаҳл отига берилган опа учинчи қаватдан уни пастга итариб юборди. Полда жонсиз ётган қизчасини кўрган онасининг юраги ёрилай деди. Кўрқиб кетган Нодира бўлган воқеани ҳаммадан яширди. Ҳамма буни кутилмаган фалокатга йўйди. Ички ишлар органи ходимларининг зукколиклари сабаб айбдор топилди. Судда Нодира айбига иқрор бўлди ва қилмишига яраша жазо муддатини ўтаб чиқди. Муассасадан чиққан куни у энг биринчи синглисининг ётоғига кирди. Ҳалиям каравоти, у ётган бешиги-ю, ўйинчоқлари қандай бўлса, ўшандай турибди. Кийимлари турадиган шкафни очди. Ё, алҳазар. У ерда Диана опасининг туғилган кунига атаб боғча опаси билан бирга қоғоздан ясаган сумкача турарди. Қоғоз сумкачада: «Опажон, сизни жуда, жуда яхши кўраман. Туғилган кунингиз билан», деган ёзувлар бор эди. Нодира сумкачани юзига босиб, зор-зор йиғлади. Иплари, митти гулчалари Нодиранинг кўз ёшларига бурканиб, йиртилиб кетди. Диана йўқ, уни ўзим, ўз қўлларим билан йўқ қилдим. Аммо, ундан қолган хотираларни ҳеч қачон юракдан ўчириб бўлмайди. Улар мени бир умр азоблаб келади. Нодира эшикка суянганича қотиб қолди...

**Н. РАҲМОНОВА,**  
журналист

# КЎЗЛАРДАГИ МУНГ

Йўл ёқасидаги кўримсизгина ошхона. Хўрандалар ҳам ҳар доимгидек сийрак. Тўрт киши ўтириб овқатланишига мўлжалланган алмисоқдан қолган стол, стуллар. Идиш-товоқ, чойнак-пиёлалар ҳам шунга яраша. Бунинг устига ошхона эгаси бўлмиш семизлигидан икки бети қип-қизил Мусакулнинг (исмлар ўзгартирилган) қовоғидан ҳар доим қор ёғади. Келиб-кетувчи хўрандалар билан бундоқ очилиб гаплашганини ҳеч ким кўрмаган. Иккита ошпази, иккита югурдаги бор. Уларни ҳам танлаб олганми ёки хўжайиннинг жаҳлидан кўрқишадими: бари кам гап. Ошхонага ҳар куни нон олиб келадиган йигит уларнинг тамом тескариси. Нонни санаб бериб, пулини олиб кетгунча тинмай гапиради, кулдиради.

Бу ошхонага одам кам киришининг иккита сабаби бор: биринчиси, доимо бир хил овқат – кабоб ва қийма гўшт бедана тухумидек думалоқ, хамир эса узун қилиб кесиб солинадиган овқат – кесган ош тайёрланади; иккинчиси, бу ерда ичкилик сотилади ва хоҳлаганча ичиш мумкин. Ароқ кўп ичиладиган жойдан табиийки одамлар ўзини олиб қочади. Икки хил овқат қилинишининг ҳам ўз сабаби бор. Қандай сабаб дейсизми? Эшитинг. Тушгача асосан кесган ош, тушдан кейин кабобга зўр берилади. Англадингизми? Нега «йўқ» дейсиз. Бу ерга кирадиган мижозларнинг аксарияти кунда-шундалардан. Кеча бўкиб ичиб кетишган, бугун келиб кеча кўпайиб кетганидан нолиб бир-бирини айб-лашади. Ароқниям, уни чиқарганиям, охирида ўзларини ҳам роса ёмонлашади. Муздек сув оқаётган ариқнинг ичида турган идишлардаги салқингина кесган ошдан бир-икки косадан ичишади. Жонлари сал ўзига келади. Айримлари туриб ўз ишларига кетади. Баъзилари туришга негадир пайсаллашади. Бир-бирига қараб олишгач, кабобпазга битгадан кабоб айтишади. Дастёр худди отаси тайинлаган боладек, столнинг устига керакли нарсаларни муҳайё қилади. Ошхона эгаси қовоғини очмаса ҳам ичидан суюнади. Балки, ширакайф хўрандалар ҳайиқсин, деб у қовоғини очмас.

Ошхона эгасининг яна иккита ҳамкори бор. Бири – қассоб, кетишига қараб кунда-кунора арзонроқ гўшт олиб келиб, бир оз суҳбатлашиб, овқатланиб кетади. Албатта, арзон гўшт олиб келгани учун текин овқатланади. Иккинчиси – дўкончи Жалол. Жалол дўконни уйдан очган. Кичикроқ «супермаркет» дейсиз. Ҳамма нарса бор: фақат оз-оздан. Таниш-билишларга ичимлик ҳам пуллаб туради. Ичимликни дўконда эмас, ертўлада сақлайди. «Нега шу қурмағурни

дўконга қўйиб сотмайсиз», деганларга, «Ертўлада муздеккина туради, ичиш осон бўлади», деб сирли жилмайиб жавоб беради. Балки, тўғридир. Балки, бошқа сабаби бордир. У ошхонанинг бу томонидан кириб у томонидан зипиллаб чиқиб кетади. Биров билиб, биров билмай қолади. Овқат ҳам емайди, хўрандаларга ҳам салом-алик қилмайди. Ошхона эгасига унинг бу иши ёқади. Қассобдек эзма эмас. Пулни олади-ю, кетади. Санаб ҳам кўрмайди.

\*\*\*

Байрам бўлгани учунми, бугун хўрандалар анча гавжум эди. Ошпазлар қўли-қўлига тегмай кесган ош билан кабоб тайёрлаяпти. Иккала дастёр ким нима сўраса ғизиллаб етказиб турибди. Кеч туша бошлагач, кўпчилик кўзғалди. Фақат уч-тўртта столдагина одам қолди. Улар ҳали-бери турадиган эмасди. Бир пайт четдаги столда ўтирган тўрт киши типирчилаб қолишди. Четрокқа ўтишга улгурмай қайт қила бошлашди. Аввалига ҳеч ким уларга эътибор бермади. Ошхона эгасининг «улар бугун кўп ичиб қўйишибди», деб ўйлаб ғаши келди. Дастёрнинг бақувватроғига имо қилди. У дўрсиллаб бориб, кўзлари олайиб бир ахволда турган хўрандалардан олдин ҳисоб-китоб қилиб пулини олди. Сўнгра бир-бир суяб, ора-орада бикинларига туртиб, йўлга чиқариб қўйди...

\*\*\*

Эртаси айни туш пайти битта милиционер ва иккита оқ халатли киши ошхонага кириб келди. Негадир улар стол томонга эмас, тўғри ошхонага йўл олишди. Дастёрдан ошхона эгасини сўрашди. Ошхона эгаси бир оз жилмайиб (иш бошлагандан бери биринчи марта жилмайиши ҳойна-хой) чиқиб келди-да, уларни ўзи гоҳо-гоҳо дам оладиган чоғроқ хонага бошлади. Йўл-йўлакай бу гал озғин-у, лекин анча эпчил бўлган дастёрга имо қилди.

Дастлаб оқ халат кийган кишилар, кейин милиционер галма-гал савол бериб ошхона эгасини гангитиб ташлашди. Унинг «аввал бир пиёла чой ичайлик, сўнгра гаплашармиз» деганига ҳам парво қилишмади. Неча йилдан бери ишлаши, маҳсулотларни қаердан, кимдан олиши, овқатни ким-қандай пишириши, қолган овқатларни нима қилиши, арокни қайси дўкондан харид қилиши: бари-барисини обдон майдалаб сўрашди. Айрим гапларни ёзиб ҳам олишди. Муддао шу эканки, ошхона вақтинча ёпиларкан, эгаси уйдан ҳеч ёққа чиқмай натижасини кутаркан. Улар кетаётганида тайёр овқатдан, хом гўштдан намуна олишди. Аммо, қолган 20 дона арокнинг барисини машинага ортишди. Гувоҳлар олдида ошхонани муҳрлаб, олган нарсалари рўйхатини икки нусха қилиб тузиб, учови ҳам қўл қўйиб, ошпаз ва гувоҳларга ҳам қўл қўйдириб, бир нусхасини ташлаб кетишди.

\*\*\*

Уларнинг кейинги манзили Жалол дўкончини бўлди. Бошда у ичимлик сотмайман деб талмовсираб турди. Милиционер унга таниш шишаларни кўрсатиб, буларни Мусакулнинг ошхонасидан олганини, у Жалолдан ичимлик олишини айтганини, агар бунга кўнмаса, шишалардаги бармоқ изларини экспертиза қилдиришини айтгач, ноилож бўйинини қисиб каттагина ертўла томон бошлади. Ертўла катта ва кичик хонадан иборат эди. Кичик хонанинг эшиги фанер билан тўсиб, кўздан пана қилиб қўйилган эди. Катта хонада рўзғордаги майда-чуйдалар билан бирга икки яшик ароқ турарди.

«Бори шу. Олишинлар мумкин», деди Жалол дўкончи. Лекин, у бир оз безовта эди. «Бундан бошқа, яна йўқми?» деди жиддий оҳангда милиционер. «Бошқа йўқ», дея эшик томон йўналди у. Бироқ, милиционер шошилмай атрофни синчиклаб текшира бошлади. Фанерни суриб, ортига қараган эди, кичикроқ эшик кўринди.

У қулфлоглик эди. Милиционер Жалол дўкончига эшикни очишни буюрди. У ноилож эшикни очди. Ичкарида 50 шиша тайёр ароқ, бир неча қопқоқ, ёрлик, хуллас ясама ичимлик тайёрлаш учун лозим бўлган ҳамма нарса мавжуд эди. Жалол дўкончига ҳаво етишмаётгандек эди гўё. Ранги оқариб кетганди...

\*\*\*

Бу можароларга сабаб, байрам куни тоби қочган 4 нафар хўранда эди. Уйга етгач, улардан бирининг аҳволи оғирлашади. Уйдагилари машина топиб, уни шифохонага олиб боришади. Афсуски, шифокорларнинг саъй-ҳаракати бекор кетади. Ясама ароқ туфайли аввалига унинг кўнгли айниб, сўнгра ўқтин-ўқтин хуруж қилиб турадиган аллергияси кўзгаб, нафас ололмай қолганди. Тезда қолган уч шерикни ҳам топиб, ошқозонини ювишади, қонларини махсус аппаратда заҳардан тозалашади. Тиббий хулосада: овқатдан, аниқроғи ароқдан кучли заҳарланиш, деб ташхис қўйилади.

\*\*\*

Иш судга оширилди. Уларга қўйилган айбнинг энг оғири – инсон ҳаётига билатуриб суиқасд қилиш деган банд эди. Яъни, кўра-била туриб истеъмолга яроқсиз ичимлик тайёрлаш ва келишув асосида жамоатчилик жойида яширин савдосини йўлга қўйиш, шу орқали фойда кўраман деб инсонлар ҳаётига хавф солиш.

Суд тергов материалларини синчковлик билан қайта ўрганиб чиқиб,

Мусақулни сотаётган ароқлари ичида ясамаси борлигини билмаганлигини исботлади. Унга нисбатан ҳукм ўқиладганида бу ҳолат инобатга олинди. Жалол дўкончига бу ишининг ноқонуний ва қалтис эканлигини билса ҳам фойда кўриш учун қилганини, ошхонага ўзи ароқ олиб бориб бераётганида ҳар гал улар орасига ясама ароқ қўшганини, буни ошхоначидан яширганини тан олса-да, тегишли жазо қўлланди.

Суд қатнашчилари ҳукм ўқилганда Жалол дўкончининг кўзида қалққан ёшни кўришди. Бу афсус, надомат ёшлари эди. Дўкончига энг таъсир қилгани ўқилган ҳукм эмас, балки марҳум оиласининг пароканда бўлгани эди. Бева қолган аёлнинг ёнида чамаси бири ўн ёшлик, бири саккиз ёшлик кизи, кўлида эса гўдак ўғли бор. Қизлари нима бўлаётганини англолмай туришар, гўёки бу ерда турганлар ҳозир отасини топиб берадигандек кўзлари атрофга аланг-жалаңг боқишарди. Аёлнинг кўлидаги бола гоҳо чирқираб йиғлар, гоҳо онаси овутгач қикирлаб куларди. Бола кулган сари аёлнинг кўзларидан аччиқ ёш қуйиларди. Бу ҳол Жалол дўкончининг юрагини тиғ мисол тилиб, нимталарди. У ўзи қилган ишнинг бу каби аянчли ҳолга олиб келишини сира ўйлаб кўрмаганди. Ясама ароқ ичган одамнинг боши кўпроқ оғрийди деб тусмол қиларди, холос. Қани энди вақтни қайтариб бўлса, бари ўз аслига қайтса... У марҳумнинг болаларидан кўз узолмас, ўпкаси тўлиб кетса-да, кўз ёшларини кўрсатмасликка уринарди. Ўз болаларининг фаровонлигини ўйлабди-ю, бироқ... Энди бу аёл қандай кун кўради, норасидалар нима қилади. Бир умр ота деёлмай ўксиб ўтишади-ку, деб ўйлаб ўзини бот-бот айбларди.

Марҳумнинг аёли эса ғам-аламдан куйиб бир ҳовуч бўлиб, мунғайиб қолганди. Уни дўкончининг қамалаётгани қизиқтираётгани йўқ эди. У ҳамон бу воқеаларнинг ёлғонлигига, гўёки бир туш эканига ўзини ишонтирмоқчи бўларди.

Жалол дўкончининг кўлига занжир тақиб олиб кетишаётганда ҳам негандир ўз аёли, ўз болаларига эмас, беихтиёр ўгирилиб марҳумнинг беваси ва зурриёдларига қаради. Жалол дўкончининг кўзлари тўла мунг эди...

**О. ХАЛМИРЗАЕВ,**  
Олий суд судьяси,

**М. СОДИҚОВ,**  
масъул котиб

**Тўланиши лозим бўлган қатъий белгиланган солиқ йиллик суммасининг тўланмаган қисми келгуси йилга ўтадиган бўлса, у ҳолда ушбу тўланмаган сумма қандай ҳисобланади?**



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 31 майда 2463-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 26 апрелдаги 41, 2013-24-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган солиқни ундириш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 9-бандига кўра, қатъий белгиланган солиқ бўйича солиқ мажбуриятларини узиш ҳар ой тенг улушларда ҳар ойнинг 10-санасидан кечиктирмай амалга оширилади. Агар тўланиши лозим бўлган қатъий белгиланган солиқ йиллик суммасининг тўланмаган қисми келгуси йилга ўтадиган бўлса, у ҳолда ушбу тўланмаган сумма энг кам иш ҳақининг келгуси йилдаги 1 январь ҳолатидаги миқдоридан келиб чиқиб қайта ҳисобланиши лозим. Ўн икки ой тугагунга қадар якка тартибдаги тадбиркор фаолиятини тўхтатганда ёки тугатганда қатъий белгиланган солиқнинг тўланмаган суммаси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган тартибда ундирилади.

\* \* \*

**Қатъий белгиланган солиқнинг бўлиб-бўлиб тўланадиган суммаси ўз вақтида тўланмаслиги қандай оқибатларга олиб келади?**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 31 майда 2463-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 26 апрелдаги 41, 2013-24-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган солиқни ундириш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 11-бандига мувофиқ қатъий белгиланган солиқнинг бўлиб-бўлиб тўланадиган суммаси ўз вақтида тўланмаган тақдирда унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида назарда тутилган тартибда пеня ҳисобланади.

\* \* \*

**Тугатувчи қандай ҳолларда кредит уюшмасига келтирилган зарар учун жавоб беради?**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 22 майда 1815-сон билан рўйхатга олинган Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 19 апрелдаги 10/3-сонли қарори билан тасдиқланган «Кредит уюшмаларини тугатиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 47-бандига асосан тугатувчи ноқонуний ёки қасддан нотўғри қилинган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида кредит уюшмасига келтирилган зарар учун жавобгардир. Тугатувчи тугатиш билан боғлиқ нормадаги операция таваккалчилиги тоифасига кирувчи зарарлар учун жавоб бермайди.

**Олий суд катта консультанти  
С. АСҚАРОВ тайёрлади**